



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1 СОН, 5 ЖИЛД

---

# ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

НОМЕР 1, ВЫПУСК 5

---

# JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 1, ISSUE 5



TOSHKENT-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

д.ю.н., проф.  
(Doctor of Law, Professor)  
**Абдурасулова Кумринисо Раимкуловна**

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

д.ю.н., доцент  
(Doctor of Law, Associate professor)  
**Файзиев Шохруд Фармонович**

**"Ҳуқуқий тадқиқотлар" журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет журнала "Правовых исследований"**  
**Editorial Board Journal of law research**

**12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines**

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев  
ю. ф. д., проф. Аҳмедшаева Мавлюда  
ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза  
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё  
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto  
(Japan)  
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян  
(Республика Армения)

**12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right**

ю. ф. д. Гулчеҳра Маликова  
ю. ф. д. Хусанов Озод  
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович  
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee  
(South Korea)  
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна  
(Российская Федерация)

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law**

юридик фанлар доктори, профессор  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой,  
Рузиназаров Рустам, Рузиев Шухрат,  
Шомухамедова Замира, Баратов  
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

**12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation**

юридик фанлар доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист Эсанова Замира  
Нормуродовна, Эгамбердиев Эминжон,  
Мамасидиқов Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

**12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law**

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна  
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич  
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза  
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб  
(Российская Федерация)

**12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law**

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай  
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади  
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов  
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш  
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич  
(Российская Федерация)

**12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy**

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,  
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,  
ю.ф.н., доц. Салаев Нодирбек Сапарбаевич  
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)  
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон  
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин  
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей  
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н.,  
проф. Кудрявцев Владислав Леонидович  
(Российская Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон  
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,  
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп  
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда  
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам  
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,  
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,  
ю.ф.д. Мирзаев Азиз

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат  
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),  
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна  
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.  
Джансараева Рима Ернатовна (Республика  
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон  
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий  
Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин,  
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,  
ю.ф.д. Мирзов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),  
д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич  
(Российская Федерация), Проф. Рыжак  
Александр Петрович (Российская Федерация),  
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров  
(Республика Таджикистан), Проф. Сергей Пен  
(Республика Казахстан), доц. Алексей Пурс  
(Республика Беларусь)

**12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law**

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодирюридик,  
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,  
ю.ф.н., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

**Мусаҳҳиҳ:** Нурмуҳаммад Ҳамидов

**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>1.Худайкулов Ферузбек</b> ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ЗАРУРИЙ ВА ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎРНИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ.....	5
<b>2.Норматов Бекзод</b> СОЛИҚ НАЗОРАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ.....	15
<b>3.Саттаров Дилшод</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА АДОЛАТСИЗ ҲУКМ, ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ, АЖРИМ ВА ҚАРОР ЧИҚАРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....	23
<b>4.Раҳимкулова Лола</b> ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА АЁЛЛАР ЎРНИ.....	29
<b>5.Хакбердиев Абдумурад</b> ЎФИРЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИККА ТАЪЛУҚЛИ БЎЛГАН ИНСЦЕНИРОВКАНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ.....	39
<b>6.Курбанов Маъруфжон</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ БОҒЛИҚ АЙРИМ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	46
<b>7.Ҳайитов Шерзод</b> ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТНИНГ ТАЪСИРИ ҲАМДА ЎРНИ.....	53
<b>8.Таджибаева Альбина</b> ФУНКЦИИ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА КАК НАПРАВЛЕНИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	58
<b>9.Ҳамидов Нурмуҳаммад</b> ОДАМ САВДОСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ...66	66
<b>10.Валижонов Далер</b> МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО ВОПРОСАМ ЭКСТРАДИЦИИ.....	75
<b>11.Кудратов Некруз</b> УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ВЫДАЧИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ТАЙНЫ В СОСТАВЕ ИЗМЕНЫ ГОСУДАРСТВА.....	81
<b>12.Абдусаттаров Акмал</b> МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЎРНИ.....	91


# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Худайкулов Ферузбек Хуррамович,  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят ҳуқуқи ва криминология  
кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: dr\_prof@mail.ru

## ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ЗАРУРИЙ ВА ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎРНИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

*For citation: Feruzbek Khurramovich Khudaykulov. ROLE OF COMPULSORY AND FACULTATIVE SIGNS OF THE CORPUS DELICTI IN THE QUALIFICATION OF ACTION: ANALYSIS AND PROPOSALS. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 5-14*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-1>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тадқиқ этишнинг индукция ва дедукция методларидан кенг фойдаланилган. Жумладан, биринчи навбатда жиноят таркиби тўғрисидаги дастлабки фикр-мулоҳазалар юзага келиш тарихи, дунёдаги кўплаб мамлакатларда мазкур ҳуқуқий категориядан фойдаланилмаслиги, у англо-америка прецедент ҳуқуқида ҳам қўлланилмаслиги, бунинг ўрнига "қилмиш" ва "жиноят" атамалари қўлланиши атрофлича баён қилинган. Кейин эса жиноят таркиби тушунчаси, бу тушунча ҳақида жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар томонидан билдирилган фикрлар, қарашлар ёритилган бўлиб, ундан сўнг эса жиноят таркиби элементлари ва бу элементларни ифодаловчи жиноят таркибининг зарурий ҳамда факультатив белгилари кетма-кет тавсифлаб берилган.

Шунингдек ушбу мақолада асосий эътибор қилмишни квалификация қилишда жиноят таркиби зарурий ва факультатив белгиларининг ўрни, хусусан, уларнинг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига келтирилган айрим жиноят таркиби зарурий ва факультатив белгилари билан боғлиқ назарий ҳамда амалий муаммолар ёритилган. Шу билан бирга,

Канада, Франция, Германия, Эстония, Россия Федерацияси, Белоруссия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон жиноят қонунчилиги таҳлил этилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленум қарорини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жиноят таркиби, *corpus delicti*, жиноят объекти, объектив томон, субъект, субъектив томон, зарурий белгилар, факультатив белгилар, квалификация, жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгилар, номусга тегиш, қўрқитиб, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб.

**Худайкулов Ферузбек Хуррамович,**  
 Преподаватель кафедры Уголовное право  
 и криминологии Ташкентского государственного  
 юридического университета  
 E-mail: dr\_prof@mail.ru

## МЕСТО ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ И ФАКУЛЬТАТИВНЫХ ПРИЗНАКОВ СОСТАВА ПРЕСТУПЛЕНИЯ В КВАЛИФИКАЦИИ ДЕЯНИЯ: АНАЛИЗ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье были широко использованы такие методы исследования как индукция и дедукция. В частности, было отмечено об истории первого появления понятия состава преступления, об отсутствии такой правовой категории во многих странах мира, в том числе в англо-саксонской правовой системе, замене ее такими терминами как "деяние" и "преступление". Затем были даны определение понятию состав преступления, мнения ученых о данном понятии в теории уголовного права, после последовательно описаны элементы состава преступления и их факультативные и обязательные признаки.

Таким образом, в статье раскрыто место обязательных и факультативных признаков состава преступления в квалификации деяний, в частности, их уголовно-правовые аспекты, проблемы факультативных и обязательных признаков в составе некоторых преступлений в Уголовном кодексе Республики Узбекистан. Вместе с этим, даны предложения и рекомендации по совершенствованию уголовного законодательства и Постановления Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан, с учетом анализа уголовного законодательства Канады, Франции, Германии, Эстонии, РФ, Белоруссии, Армении, Казахстана, Киргизии, Таджикистана.

**Ключевые слова:** состав преступления, *corpus delicti*, объект, объективная сторона, субъект, субъективная сторона преступления, обязательные признаки, факультативные признаки, квалификация, квалифицирующие и особо квалифицирующие признаки, изнасилования, с применением угроз, с применением насильственной угроз (угроза применения насилия).

**Feruzbek Khurramovich Khudaykulov**  
 Teacher of Criminal Law and  
 Criminology Department of the Tashkent  
 State University of Law  
 E-mail: dr\_profi@mail.ru

## **ROLE OF COMPULSORY AND FACULTATIVE SIGNS OF THE CORPUS DELICTI IN THE QUALIFICATION OF ACTION: ANALYSIS AND PROPOSALS**

### **ABSTRACT**

In this article, such research methods as induction and deduction were widely used. In particular, it was noted about the history of the first appearance of the concept of corpus delicti, the absence of such a legal category in many countries of the world, including in the Anglo-Saxon legal system, replacing it with such terms as "criminal act" and "crime". Then the definition of the concept of corpus delicti was given, the opinions of scientists about this concept in the theory of criminal law, after which the elements of the corpus delicti and their compulsory and facultative signs were consistently described.

Thus, the article reveals the place of compulsory and facultative signs of the crime in the qualification of acts, in particular, their criminal-legal aspects, problems of compulsory and facultative signs as a part of some crimes in the Criminal code of the Republic of Uzbekistan. At the same time proposals and recommendations on improving the criminal legislation and the resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan were given. Proposals and recommendations based on an analysis of the criminal law of Canada, France, Germany, Estonia, Russia, Belarus, Armenia, Kazakhstan, Kyrgyzstan and Tajikistan.

**Keywords:** corpus delicti, object, objective side, subject, subjective side of the crime, compulsory signs, facultative signs, qualification, qualifying and especially qualifying features, rape, with the use of threats, with the use of violent threats (threat of violence).

**Ж**иноят таркиби тўғрисидаги биринчи фикр-мулоҳазалар XVI асрга бориб тақалади, фақат XIX аср охирига қадар (бир қанча мамлакатларда ва ҳозирги вақтга қадар) жиноят таркиби остида (лот. corpus delicti) жиноят содир қилинган ашёвий далил тушунилан: қасддан одам ўлдиришда мурданинг мавжудлиги, эшик ёки деразани бузиб содир этиладиган ўғирликда изларнинг қолиши ва бошқалар [1]. Ҳақиқатдан ҳам corpus delicti жиноят-ҳуқуқидан кўра кўпроқ жиноят-процессуал тушунча ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқида "жиноят таркиби" тушунчаси қонуний эмас, кўпроқ назарий тушунча ҳисобланади. Дунёдаги кўплаб мамлакатларда мазкур ҳуқуқий категориядан фойдаланилмайди, у англо-америка прецедент ҳуқуқида ҳам қўлланилмайди. Бунинг ўрнига "қилмиш" ва "жиноят" атамалари қўлланилади, шунингдек улар ҳам объектив ва субъектив элементларга бўлинади: масалан, француз жиноят ҳуқуқида моддий (ўзи-ўзидан жинойи қилмиш ёки ҳаракатсизлик), руҳий (айб) ва қонун чиқарувчи (содир этилган қилмиш учун жазо билан қўрқитишнинг жиноят қонунида белгиланиши) элементларидан фойдаланилади. Германия Федератив Республикаси ЖК сида қилмиш таркиби (немисча, Tatbestand) ва "қонунда назарда тутилган жиноят таркиби" таърифини ўз ичига олади, қайсики

улар жиноят-ҳуқуқий нормада мустаҳкамланган қилмишнинг объектив ва субъектив белгилари йиғиндиси сифатида тушунилади; жиноят-ҳуқуққа ҳилоф қилмиш қонун таркибида назарда тутилган қилмишни амалга оширади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркибига турлича таърифлар берилган. Адабиётлардаги жиноят таркибини аниқлашга доир фикр-мулоҳазалардаги умумийлик - бу жиноят таркиби тушунчасини объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборат эканлиги эътироф этилиб, содир этилган қилмишни жиноят, деб топишда муҳим аҳамият касб этишидир.

Бир мунча умумий таърифни А. В. Шеслер ва С. А. Поляков, А.Н.Траинин [2, с. 122, 9, 75] беришган, унга кўра "жиноят таркиби ўзида Жиноят кодексида мустаҳкамланган ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида белгилайдиган объектив ва субъектив белгиларнинг йиғиндисидир.

М. Усмоналиев ва П.Бакуновлар эса, "жиноят қонунида кўзда тутилган муайян ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жиноийлигини ифодаловчи томонлар (элементлар) йиғиндисига жиноят таркиби деб айтилади" [3, б. 129] - деб таъкидлаб ўтади.

С.С.Найимов эса жиноятнинг асосий таркиби деганда жиноий қилмишда муайян бир жиноятга хос бўлган объектив ва субъектив белгилар мажмуининг мавжудлигини тушиниши таъкидлайди [4, б.61].

А.С.Якубов эса, содалашган аниқ таърифни берган бўлиб, унинг фикрича, жиноят таркиби - маълум бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб характерловчи объектив ва субъектив белгиларининг минимал ва етарли йиғиндиси [5, с. 95].

"Объектив ва субъектив белгиларининг минимал йиғиндиси - "жиноят таркибининг бирон-бир зарурий элементи мавжуд бўлмаганида шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас" маъносини англатади. "Объектив ва субъектив белгиларининг етарли йиғиндиси" тушунчаси эса Жиноят кодексида назарда тутилган объектив ва субъектив белгиларидан ташқари бошқа қўшимча маълумотларнинг аниқланиши шарт эмаслигини билдиради.

Сўнги йилларда жиноят ҳуқуқи олимлари жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмиш тушинилишини ўз тадқиқотларида таъкидлаб келмоқда [6, с.14].

Бизнинг фикримизча, жиноят таркиби Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш(ҳаракат ёки ҳаркатсизлик)ни жиноят эканлигини белгилайдиган объектив ва субъектив белгиларининг бир бутун, тизимли йиғиндисидир. Жиноят таркибининг бу тизимли элемент(томон)лари ичида асосий ўринни қилмишнинг объектив томони эгаллайди. Чунки жиноят объекти, субъекти ва субъектив томонлари айнан жиноят таркиби объектив томонини таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Жиноят таркиби белгилари жиноят ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисми нормаларида мустаҳкамланади. Уларни шартли равишда тўртта тизимли қисмга: жиноят объекти, субъекти, объектив томони ва субъектив томони белгиларига бўлиш мумкин. Қилмишда ҳар қандай жиноят таркибининг барча белгилари мавжудлиги уни жиноят деб топиш ва уни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Жиноят таркиби қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун юридик асос ҳисобланади. Содир этилган қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш, яъни уни тўғри квалификация қилишнинг ягона юридик асоси бу жиноят таркиби



ҳисобланади. Айнан жиноят таркиби белгилари ва элементларини тўғри таҳлил қилиш ва уларни содир қилинган қилмиш белгиларига солиштирилиши унга тўғри жиноят-ҳуқуқий баҳо бирилишига хизмат қилади.

Жиноят таркиби ўзаро бир бутунликда боғлиқ бўлган тўртта элементни ўзида акс эттиради. Улар қуйидагилардан иборат:

1) жиноят объекти - бу жиноий тажовуз қаратилган ва жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни умумий куриниш ЖК 2-моддасида ўз аксини топган бўлиб, уларга шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги киради;

2) жиноят объектив томони - бу ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган белгиларни ўз ичига олган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), жиноий оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланишдан иборат жиноий тажовузнинг ташқи кўринишидир. Биз берган таъриф ўз ичига формал ва моддий таркибли жиноят белгиларини қамраб олган. Умуман олганда, формал таркибли жиноятлар зарурий белгиси фақат ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланса, моддий таркибли жиноятлар зарурий белгиси ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), жиноий оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланишидир;

3) жиноят субъектив томони - бу жиноий хулқ-атворнинг ички тавсифи бўлиб, шахснинг содир этган жиноятига нисбатан ички руҳий муносабати ҳисобланади. У ўз ичига шахснинг жиноят содир этиш пайтидаги айби, мотиви ва мақсадини қамраб олади. Сўнги йилларда жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар ҳиссиётни ҳам субъектив томон белгиси қаторига киргизишмоқда;

4) жиноят субъекти - бу жиноят содир этгунга қадар жиноий жавобгарлик ёшига тўлган, ақли расо, жисмоний шахсдир. Бизнинг жиноят қонунчилигимизга кўра фақат жисмоний шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин. Аммо, ғарбий Европанинг кўплаб далаатларида (Белгия, Нидерландия, Дания, Норвегия, Швеция, Франция ва бошқалар) жисмоний шахслар билан бирга юридик шахслар ҳам жиноят субъекти бўлишлари мумкин. Бу ҳолат ўша давлатлар жиноят қонунчилигида ўз аксини топган.

Юқорида таъкидланган жиноят таркиби элементлари жиноят қонунида ўз белгилари билан назарда тутилади. Жиноят таркибининг баъзи белгилари қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонунида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, баъзи белгилари эса жиноят қонунида ўз аксини топмаган бўлади. Шунинг учун жиноят таркиби белгиларини икки туркумга бўлиш қабул қилинган. Улар жиноят таркиби зарурий ва факультатив белгилардир. Хусусан бу зарурий ва факультатив белгилар жиноят таркиби элементларининг ҳар бирига тегишлидир. Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, жиноят таркиби муайян бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб характерловчи объектив ва субъектив белгиларининг йиғиндисидан иборат. Бу белгилар минимал ва етарли бўлиши лозим.

Жиноят таркиби объектив белгиларига кирувчи зарурий ва факультатив белгиларига қуйидагилар киради:

Биринчиси, жиноят объекти - унинг зарурий белгиси бу жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат (Ўз.Р ЖК 2-моддаси назарда тутилган шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги) ҳисобланади. Факультатив белгиси эса жиноят предмети ҳисобланади. Жиноят предмети жиноят қонун билан

кўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг бир элементи ҳисобланди. Унинг факультативлиги шундаги, у ЖК Махсус қисмдаги барча моддаларда жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Масалан, ЖК 169-моддасида яширин равишда талон-тарож қилишдан иборат бўлган ўғирлик жиноятида мулк жиноят объекти бўлса, шу мулкни ташкил қилган қимматбаҳо буюмлар, тилла буюмлар, пул ва бошқа нарсалар жиноят предмети бўлади. Шунингдек ЖК 176-моддасида қалбаки пул, акциз марка ёки қимматли қоғозлар ҳам жиноят предмети ҳисобланди.

Иккинчиси, жиноят объектив томони - унинг зарурий белгиси фақат ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, моддий таркибли жиноятларда ижтимоий хавфли қилмиш билан бирга ижтимоий хавфли оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш ҳам жиноят объектив томон зарурий белгилари ҳисобланади. Унинг факультатив белгиларига жиноят содир этиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси, шунингдек ижтимоий хавфли оқибат ҳамда сабабий боғланиш кирилади.

Жиноят таркиби субъектив белгиларига кирувчи зарурий ва факультатив белгиларига қуйидагилар кирилади:

Биринчиси, жиноят субъектив томони - унинг зарурий белгиси айб ҳисобланди. Айб - бу шахснинг содир этган жиноят деб характерланувчи ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га нисбатан руҳий муносабати бўлиб, у қасд (тўғри ёки эгри) ёки эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик) кўринишида намоён бўлади. Факультатив белгиси эса мотив, мақсад ва ҳиссиёт. Сўнги пайтларда жиноят ҳуқуқи назариясида ҳиссиётни ҳам олимлар субъектив томон факультатив белгилар қаторига киритишмоқда [8, с. 77].

Иккинчиси, жиноят субъекти - унинг зарурий белгиси шахс жиноий жавобгарлик ёшига етганлиги, ақли расолиги ва жисмоний шахс эканлиги ҳисобланади. Факультатив белгисига эса касб, хизмат мавқеи, ижтимоий-демографик ва бошқа белгилар кирилади.

Квалификация атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, "qualitas - сифат" ва "facio - қиламан" деган маъноларни англатади. Квалификация атамаси олдиндан белгиланган критериялар, яъни аниқ белгиларга мос келувчи шахсларнинг фаолиятига баҳо беришни англатади. Квалификация шахснинг ижобий сифатларни эмас, балки улар томонидан содир этилган жиноий қилмишнинг оғирлиги ва кўринишини белгилайди.

Жиноят ҳуқуқида квалификация эса муайян ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатлик)га жиноий-ҳуқуқий баҳо беришни англатади.

Жиноятни квалификация қилиш - бу содир этилган ЖК Умумий ва Махсус қисмларининг муайян нормасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишнинг белгиларини Жиноят таркиби белгиларига солиштириб, уларнинг мослигини аниқлашдир.

Жиноят таркиби айрим турларга ажратиш, яъни уларни таснифлаш алоҳида турдаги таркибли жиноятларни билиш ва уларнинг мавжуд белгиларини аниқлаш, шунингдек охир оқибатда жиноятни аниқ квалификация қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркиби асосан учта турга бўлинади:

Биринчиси, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра (уларнинг белгиларида ифодаланган);

Иккинчиси, ижтимоий хавфли қилмишнинг тузилиши кўра;

Учинчиси, жиноят объектив томон тузилишига кўра.

Қилмишни квалификация қилишда ваколатли субъектлар эътибор қаратиши лозим бўлган жиноят табиби турлари қуйидагилар ҳисоблади:

1. Жиноят таркибини ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қуйидаги турларга бўлиб таснифлаш мумкин:

а) оддий жиноят таркиби (баъзан уни "асосий" деб номлашади) - у ўзида оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) ва енгиллаштирувчи ҳолатларни эмас, фақат жиноятнинг асосий белгиларини акс эттиради. Масалан, ЖК 169-модда 1-қисмида ўғрилик жинояти ўзганинг мол-мулкани ҳеч қандай оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) ва енгиллаштирувчи ҳолатларсиз яширин равишда талон-тарож қилиш эканлиги ўз аксини топган;

б) квалификацияловчи белгили жиноят таркиби - бу жавобгарликни оғирлаштирадиган ва жиноятларни квалификациясига таъсир қиладиган таркиб ҳисобланади. Мисол қилиб, ЖК 97-моддаси, 2-қисмидаги оғирлаштирувчи ҳолатлардаги қасдан одам ўлдиришни, 169-модда, 2-қисмидаги кассавурлик, бир гуруҳ шахслар томоиндан олдиндан тил бириктириб, уй жой, омборхона ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғирликни келтириш мумкин;

в) жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) ҳолатлардаги жиноят таркиби - бу ижтимоий хавфлилик даражаси энг юқори бўлган таркиблардир. Масалан, жуда кўп миқдорда содир ўтилган босқинчилик (Ўз.Р ЖК 164-модда, 4-қисм "а" банди), жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-модда, 3-қисм "д" банди);

г) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлардаги жиноят таркиби - бу (имтиёз беручи жиноят таркиби ҳам деб номланади) жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси сезиларли даражада камайтирадиган таркиблардир. Масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш

(ЖК 98-моддаси), Онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши (ЖК 99-моддаси), Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш (ЖК 100-моддаси);

2. Ижтимоий хавфли қилишмиш тузилишига кўра жиноят таркиби оддий ва мураккаб таркибли жиноятларга бўлади.

Оддий таркибли жиноятларга битта ижтимоий хавфли қилмиш, битта объектли жиноятлар киради. Масалан, қасдан одам ўлдириш (Ўз.Р ЖК 97-модда), Тухмат ва ҳақорат қилиш (Ўз.Р 140-141-моддалар);

Мураккаб таркибли жиноятлар - қонун чиқарувчи муайян ҳолатлар билан боғлаб қўйган бўлади. Шунинг учун мураккаб таркибли жиноятларга икки объектли, икки қилмишли, иккита айб шаклидан иборат мураккаб айбли жиноятлар киради. Масалан, икки объектли босқинчилик жинояти (Ўз.Р 164-модда), икки қилмишли, жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-модда, 3-қисм "д" банди);

3. Жиноят объектив томони тузилишига кўра:

а) формал таркибли жиноятлар - бу ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилиши билан тугалланган деб топиладиган жиноятлар ҳисобланади.

б) кесик таркибли жиноятлар - бу жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида жиноят тугалланган деб топиладиган жиноятлардир. Қонун чиқарувчи жиноятни тайёргарлик кўриш ва суиқасд босқичи олдинги босқичга (тамом бўлган жиноят) кўтаради. Баъзи олимлар кесик таркибли жиноятлар формал

таркибли жиноятларнинг бир кўринишидир деган фикрларни ҳам билдириб ўтишади.

г) моддий таркибли жиноятлар - бу бу ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилиши билан сабабий боғланиш ёрдамида ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқадиган жиноятлардир.

Хорижий мамлакатлар (Канада, Франция, Германия, Эстония, Россия Федерацияси, Белоруссия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон) [9] жиноят қонунларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулоса ва таклиф-тавсияларни берамиз:

Биринчидан, жиноят таркиби зарурий белгилари қилмишни квалификация қилишда зарур ва етарли бўлиши лозим. Уларсиз жиноят ўз ижтимоий хавфлилик хусусияти ҳамда даражасига эга бўлмайди. Масалан, жиноят таркиби элементлари(жиноят объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони)ни тавсифловчи белгилар мавжуд эмаслиги жинсий жавобгарликка тортишнинг асоси йўқлигидан далолат беради.

Иккинчидан, қилмишни квалификация қилишда жиноят таркиби факультатив белгиларининг эса ўрни ўзига хос "учлик" кўринишида

жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этади. Улар қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонунида тўғридан-тўғри кўрсатилади. Масалан, Ўз.Р ЖК 169-моддаси, 1-қисми, Канада ЖК § 322(1), ГФР ЖК § 242, Испания ЖК 234 моддаси, Эстония ЖК 139-моддаси, РФ 158-моддаси, 1-қисми, Белоруссия ЖК 205-моддаси, Арманистон ЖК 177-моддаси 1-қисми, Қозоғистон ЖК 188-моддаси, 1-қисми, Қирғизистон ЖК 200-моддаси, 1-қисми, Тожикистон ЖК 244-моддаси 1-қисм;

Учинчидан, улар қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонунида жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгилар сифатида тўғридан-тўғри назарда тутилади. Масалан, Ўз.Р ЖК 164-модда, 2-қисм "а" банди, Канада ЖК § 326(1), ГФР ЖК § 252, Испания ЖК 235 моддаси, Эстония ЖК 139-моддаси, 3-қисми, РФ 158-моддаси, 1-қисми "а" банди, Белоруссия ЖК 205-моддаси, 2-қисми, Арманистон ЖК 177-моддаси, 2-қисми, Қозоғистон ЖК 188-моддаси, 2-қисми, Қирғизистон ЖК 200-моддаси, 2-қисми, Тожикистон ЖК 244-моддаси 2-қисми, "г" банди;

Тўртинчидан, улар қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонунида жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида назарда тутилади. Бу эса жазо тайинлашда инобатга олинишига олиб келади. Ўз.Р ЖК 55-моддаси "в", "д", "з", "е" бандлари, 56-моддаси "д", "е", "з", "и" бандлари.

Канада, Франция, Германия, Эстония, Россия Федерацияси, Белоруссия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон жиноят қонунларини таҳлил қилиш натижасида Ўз.Р ЖК 118-моддаси, 119-моддаси, 124-моддаси ва 217-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш лозим деган таклиф ва тавсияларни илгари сурамиз:

Биринчидан, ЖК 118-модда 1-қисмини "Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш", ЖК 119-модда 1-қисми "Зўрлик ишлатиб, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни гайритабiiй усулда қондириш" деб қонун чиқарувчи томонидан баён қилиниши лозим. Ҳозирги таҳрирдаги жиноят қонунида "қўрқитиб" деган сўз умумий тушунчани англашиб, қўрқитишнинг айнан қайси тури назарда тутилганлиги амалиётда тушунмовчиликларга олиб келмоқда. Чунки, "қўрқитиб"

деган сўз нафақат зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни, балки ўлдириш билан қўрқитишни ҳам англатади. Агар бу сўз "зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб" деган сўз билан алмаштирилмаса, ЖК 118-119-моддалари, 2-қисми "г" бандидаги "ўлдириш билан қўрқитиб номасга тегиш" билан эмас, 118-119-моддалар 1-қисми билан квалификация қилинишига олиб келади;

Иккинчидан, ЖК 118-119-моддалари, 2-қисми "г1", яъни "ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб (баданга оғир шикаст етказган ҳолда) содир этилган бўлса" ва "г2" "жабрланувчи ёки бошқа шахсларга нисбатан ўта шавқатсизлик билан содир этилган бўлса" деган бандлар билан тўлдириш лозим. Ўз.Р Олий суд пленумнинг 2010 йил 29 октябрдаги "Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 13-сон қарорининг учунчи банди иккинчи хат бошида "Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш пайтида жабрланувчига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилиши тегишлича ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва ЖК 105, 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси ва ЖК 104-моддасининг тегишли қисми мажмуи билан квалификация қилинади." деган қоида мавжуд. Одатда бу жиноятлар қўшимча объектли жиноятлар бўлиб, уларни квалификация қилишда ЖК Махсус қисм бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилиш жиноят ҳуқуқи назариясида мавжуд қоидаларга зид ҳисобланди. Чунки бу жиноятларни содир этаётган субъект шахснинг жинсий эркинлиги ва дахлсизлигига тажовуз қилиш билан бирга зўрлик ишлатиб жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа объектларга ҳам (масалан, шахс соғлиғи) зарар етказди. Шунинг учун қўшимча бандларни янги таҳрирда қўшиб, бундай қилмишларни айнан 118-119-моддалар билан квалификация қилиш лозим.

### Иқтибослар /Сноски/ References

1. The Lectric Law Library's Lexicon On Corpus Delicti; E Cobham Brewer Dictionary of Phrase and Fable.1898 // <http://ru.wikipedia.org>.

2. Уголовное право. Общая часть: учебное пособие / под общ. ред. В. А. Уткина, А. В. Шеслера. Томск, 2016; Поляков С. А., Сабитов Т. Р., Сухоруков С. И. Теория состава преступления. Новосибирск (Criminal law. General part: textbook / under the General editorship of V.A.Utkin, A.V.Shesler.Tomsk, 2016; Polyakov S.A., Sabitov T. R., Sukhorukov S. I. Theory of corpus delicti. Novosibirsk), 2011; Трайнин А. Н. Состав преступления по советскому уголовному праву. - М.: Госюриздат, 1951. - С. 75. (Traynin A. N. The composition of the crime under Soviet criminal law. - Moscow: Gosyurizdat, 1951. - S. 75.)

3. М. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Тошкент: "Насаф" нашриёти, 2010. - Б. 129. (M. Usmonaliev M., Bakunov P. Criminal Law. General section: Textbook for Universities. -Tashkent: Nasaf Publishing House, 2010. - B. 129.)

4. Найимов.С.С. Қилмишни жиноий ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. Дис...Юрид.фан.ном. - Тошкент, 2006. - Б. 61. (Nayimov.S.S. Theoretical and practical issues of qualification of actions in competition of criminal legal norms. Dis ... Law. - Tashkent, 2006. - B. 61.)

5. А.С.Якубов. Теоритические проблемы формирования правовой основы учения о преступлениях: предпосылки, реальность, перспективы. - Т., 1996, - С. 95. (A. S. Yakubov. Theoretical problems of formation of the legal basis of the doctrine of crimes: prerequisites, reality, prospects. - T., 1996, - P. 95.)

6. Николаев К. Д. Соотношение содержания понятий "преступление" и "состав преступления" // Научный вестник Омской академии МВД России № 4 (71), 2018. (ikolaev K. D. Correlation of the content of the concepts "crime" and "corpus delicti" / / Scientific Bulletin of the Omsk Academy of the Ministry of internal Affairs of Russia No. 4 (71), 2018.)

7. Уголовное право России. Общая часть: учебник для бакалавров /отв. ред. А.И. Плотников. -Оренбург: ООО ИПК "Университет", 2016. - 442 с. (Criminal law of Russia. General part: textbook for bachelors / Rev. ed. - Orenburg: LLC IPK "University", 2016. - 442 p.)

8. <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/page-74.html#h-121703>; [https://www.legislationline.org/download/id/8253/file/Germany\\_CC%20am2019\\_de.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8253/file/Germany_CC%20am2019_de.pdf);

<http://crimpravo.ru/codecs/spain/2.doc> <http://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275>; [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=7472](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=7472); [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575252#pos=214;-54](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252#pos=214;-54); <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111527?cl=ru-ru>

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.03-ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО.  
СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

Норматов Бекзод Акрамович,  
Тошкент давлат юридик университети  
Бизнес ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail: bekozod.normato.2016@mail.ru

## СОЛИҚ НАЗОРАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

*For citation: Normatov Bekzod Akramovich. ESSENCE AND PRINCIPLES OF TAX CONTROL. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 15-22*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-2>

### АННОТАЦИЯ

Муаллиф ушбу мақолада солиқ назорати тушунчаси, солиқ назорати мақсади, солиқ назорати вазифалари, солиқ назорати усул ва шакллари, солиқ назорати элементлари, солиқ назорати принциплари ва солиқ назорати бўйича қонунчилик ҳолатини таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** солиқлар назорати, солиқ назорати усули, солиқ назорати шакли, солиқ назорати мақсади, солиқ назорати вазифа ва принциплари.

Норматов Бекзод Акрамович,  
Старший преподаватель кафедры Бизнес право  
Ташкентского государственного  
юридического университета  
E-mail: bekozod.normato.2016@mail.ru

## СУЩНОСТЬ И ПРИНЦИПЫ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ

### АННОТАЦИЯ

автором в данной статье проанализированы понятие налогового контроля, цель налогового контроля, функции налогового контроля, методы и формы налогового контроля, элементы налогового контроля, принципы налогового контроля и состояние законодательства о налоговом контроле.

**Ключевые слова:** налоговый контроль, метод налогового контроля, форма

налогового контроля, цель налогового контроля, задача и принципы налогового контроля.

**Normatov Bekzod Akramovich,**  
Senior teacher of Business Law Department  
of the Tashkent State University of Law  
E-mail: bekozod.normato.2016 @mail.ru

## ESSENCE AND PRINCIPLES OF TAX CONTROL

### ABSTRACT

The author analyzes the concept of tax control, the purpose of tax control, the functions of tax control, methods and forms of tax control, elements of tax control, principles of tax control and the state of legislation on tax control.

**Keywords:** tax control, method of tax control, form of tax control, purpose of tax control, task and principles of tax control.

**М**авзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5468-сон фармонида кўра солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш алоҳида вазифа сифатида белгиланди.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси"га кўра солиқ тўловчилар фаолиятига аралашни, шунингдек давлат солиқ хизмати органларида "инсон омили"ни ҳамда коррупция ҳолатларининг салбий кўринишларини камайтириш имконини берадиган таваккал-таҳлил ва масофавий таҳлилий ишлар тизими асосида солиқ назорати тизимини шакллантириш ва сайёр текширишларни камайтириш ва солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорлигининг симсиз усуллари рўйхатини кенгайтирган ҳолда солиқ назорати шакллари такомиллаштириш асосий вазифа этиб белгиланди.

Умумий таҳлил. Солиқ назорати молиявий назоратнинг бир тури бўлиб, давлат назоратининг таркибий қисми ҳисобланади. Давлат жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни бошқариш учун назорат институтидан фойдаланади. Давлат назорати маъмурий назорат, молиявий назорат, божхона назорати, прокуратура назорати ва бошқа назоратлар шаклида амалга оширилади. Солиқ назорати молиявий назоратнинг бир тури сифатида солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган ташкилий-бошқарув жараёнлар жамланмаси.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонунига кўра қонунига кўра солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизими.[2]



Солиқ назорати тушунчаси таҳлили. Д.Д. Сайдуллаевнинг таъкидига кўра солиқ назоратининг моҳияти солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишини текшириш ҳамда солиқларни тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини текширишдан иборат.[3]

И.И.Кучерова, О.Ю.Судакова ва И.А.Орешкинларнинг фикрига кўра солиқ назорати - молиявий назоратнинг асосий йўналиши бўлиб, махсус шакл ва усулларни фойдаланиш ваколатига эга бўлган субъектлар фаолиятини ифода этади ва солиқ солишнинг мукамал тизимини яратишга солиқ тўловчилар ва солиқ агенти орасида солиқ ҳуқуқбузарлигини истисно этувчи солиқ интизомига эришишга қаратилган бўлади.[4]

М.В.Кустова, А.О.Ногина ва Н.А.Шевелеваларнинг фикрига кўра солиқ назорати - солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбур шахсларнинг зарур ҳуқуқ-атворини, шунингдек солиқ ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликни қўллаш чоралари ва мажбурий солиқ ундирувларни амалга оширишнинг асосларини ўрнатиш ва тадқиқ этишни таъминловчи, бир-бирига боғлиқ элементлар тизимини ифода этувчи, ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий механизм.[5]

И.А.Майбуров солиқ назоратини давлат молиявий назоратининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида талқин қилади.[6]

А.В.Брызгалиннинг фикрига кўра солиқ назорати - солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўз вақтида ва тўлиқ тушиши ва солиқ қонунчилигига риоя қилинишини таъминловчи солиқ органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда қўлланиладишан усул ва услублар жамланмаси.[7]

И.В.Осокина, солиқ назорати ихтисослаштирилган давлат молиявий назорати бўлиб, моҳияти солиқ қонунчилигига риоя этилишини текширишдангина иборат бўлмай, балки солиқ ва йиғимларни тўғри ҳисоблаш, ўз вақтида тўлиқ тўданишини текшириш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишни ҳам қамраб олади деб ҳисоблайди.[8]

А.П.Зреловнинг қайд этишича, солиқ назорати соҳага тегишлилик белгисидан келиб чиқиб ажратилган назоратнинг бир тури.[9]

Т.Ф.Юткинанинг наздида солиқ назорати молиявий назорат ва солиқ механизмнинг бир элементи ҳисобланади.[10]

Д.Г.Черник, А.П.Починок ва В.Л.Морозовларнинг таъкидига кўра солиқ назорати юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўлиқ тўланишини таъминлашга қаратилган назорат.[11]

Р.Г.Сомоевнинг фикрича солиқ назорати давлат бюджети тизимига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришга қаратилган махсус усул ва шакллардан фойдаланиб, хўжалик ва бошқарув субъектлар фаолиятида молиявий, солиқ ва улар билан боғлиқ масалаларни текшириш бўйича операция ва ҳаракатлар жамланмасидир.[12]

Н.Е.Евстигнеевнинг таъбирича солиқ назорати норматив ҳужжатлар билан белгиланган солиқ қонунчилиги ва солиқ саноатига риоя этилишини таъминлашга қаратилган усул ва шаклларнинг жамланмаси.[13]

Солиқ назоратининг мақсади.Солиқ назорати орқали давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар ундирилади. Солиқлар ва бошқа йиғимларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилмаслиги давлат бюджет интизоми бузилиши ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган соҳаларга молия маблағлари етиб бормаслиги, ўз навбатида давлатнинг асосий функциялари ишламаслигига олиб келса, солиқ тўловчилардан

ноқонуний усул ва шаклда солиқ ва бошқа йиғимларни ундириш жисмоний ва юридик шахсларнинг норозилигини келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, давлат бюджетини тўлидиришни таъминлаш ҳамда айни вақтда солиқ тўловчилардан қулай ва замонавий усулларда солиқ ва йиғимларни ундиришни ташкил этиш ва назорат қилиш солиқ назоратининг асосий мақсади ҳисобланади.

Д.Д.Сайдуллаевнинг фикрига кўра солиқ назоратининг мақсади солиқ ҳуқуқбузарлигини аниқлаш, солиқ ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳисобланади.[3]

А.С.Селивановнинг қайд этишича солиқ назоратининг мақсади солиқ тўловчилар, йиғим тўловчилар ва қонун билан мажбурият бажариш юклатилган солиқ агентларининг молиявий фаолиятида қонунийликни текширишдан иборат.[15]

Солиқ назоратининг турлари. Солиқ назоратини ташкил этилишига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Дастлабки назорат (режа-прогнозлар тузиш, маълумотлар йиғиш ва бошқалар).

Жорий назорат (молия, солиқ ҳисоботларини текшириш, режалар бажарилиши таҳлил қилиш ва бошқалар).

Сўнгги назорат (жойларга бориб текширишлар ўтказиш, аудит, инвентаризация ва ҳар қил ревизиялар ўтказиш).

Бажариш муддатларига кўра назорат тезкор (оператив) ва даврий турларга бўлинади:

Тезкор назорат ҳисобот оyi ичида назорат қилинадиган жараён, операция ва ҳатти-ҳаракат тугаганидан сўнг унинг сифат ва миқдор тавсифига мувофиқ бажариладиган текширишдан иборатдир. Режадаги, тезкор-техник, статистикаси ва бухгалтерия ахбороти тезкор назорат учун маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Даврий назорат муайян ҳисобот даври учун режалар, меъёрлар, бирламчи ҳужжатлар, ишлаб чиқариш, моддий ва бошқа ҳисоботлар маълумотлари, ҳисоб регистрлари, ҳисоботлар ва бошқа манбалардаги ёзувлар бўйича текширишдир.[16]

Солиқ назоратининг шакллари. Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.[17]

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра солиқ назоратининг қуйидаги шакллари мавжуд: 1) солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш; 2) солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш; 3) бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумларни ҳисобга олиш; 4) камерал назорат; 5) хронометраж кўздан кечириш; 6) хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги сонининг ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг; 7) солиқ текширувлари; 8) мавзули экспресс-ўрганиш; 9) фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш; 10) акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш; 11) давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан олинган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш; 12) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар устидан

назорат қилиш; 13) солиқ мониторинги.[18]

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда солиқ назоратининг қуйидаги шакллари таклиф этилмоқда: солиқ текширувлари ва солиқ мониторинги.[19]

Солиқ назоратининг вазифалари. Д.Д.Сайдуллаевнинг назарида солиқ назоратининг вазифаларига солиқларни тўғри ҳисобланиши ва тўланилишини текшириш; солиқ ҳуқуқбузарликлардан огоҳлантириш ва солиқ тўловчи томонидан ўз мажбуриятини бажармасликдан келиб чиққан зарарни ундириш киради.[3]

А.С.Селивановнинг фикрича солиқ назоратининг асосий вазифалари солиқ солиш соҳасида текшириш ҳамда солиқ ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, қайд этиш ва бартараф этиш ҳисобланади.[21]

Солиқ назоратининг элементлари. Солиқ назоратининг элементлари: солиқ назоратининг предмети (нима текширилади), солиқ назоратининг субъекти (ким текширади) ва солиқ назоратининг объекти (ким текширилади). Солиқ назоратининг предмети солиқ ҳуқуқий муносабат бўлиб, солиқ органлари ва солиқ тўловчи ўртасида солиқларни тўғри ва ўз вақтида бюджетга тўлаш жараёнини қамраб олади. Солиқ назоратининг субъекти солиқ қонунчилигига кўра махсус ваколат берилган солиқ органлари ходимлари ҳисобланади. Солиқ солиш объекти солиқ тўловчилар, йиғим тўловчилар ҳамда солиқ агентликларининг жамланмаси ҳисобланади.[3.-С.66]

Солиқ назоратининг принциплари. О.В.Турчинанинг таҳлиliga кўра Солиқ назорати умумҳуқуқ принциплари асосида (қонунийлик, юридик тенглик, инсон ва фуқаро тенглигига риоя қилиш, жавобгарлик ва бошқалар), солиқ ҳуқуқи принциплари (инсофли солиқ тўловчи, объективлик ва ҳужжатлаштириш, солиқ сирига риоя этиш, жавобгарликка дифференциал ёндашиш) ва институтчионал принциплар (солиқ назорати шакллариининг аниқлиги, тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик, солиқ назоратини амалга ошириш муддатининг чегараланганлиги) амалга оширилади.[23]

Д.Д.Сайдуллаевнинг фикрига кўра солиқ назоратининг принциплари: ҳуқуқий ваколатчилик; тўлиқлик; умумийлик; доимийлик; бирлик; солиқ сирига риоя этиш; объективлик ва ишончилик.[3.-С.66]

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари белгиланган, унга кўра солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатчилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принциплари.[25]

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси янги таҳририда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мажбурийлик, адолатчилик, аниқлик, солиқ тизимининг ягоналиги, ошкоралик ва солиқ органларининг солиқ тўловчилар билан ҳамкорлиги принципларига асосланиши таклиф этилмоқда.[27]

Хулоса. Юқорида таҳлил қилинган солиқ назорати институтларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тасияларни келтириб ўтамиз:

солиқ назорати - солиқ органлари томонидан солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш, ўз вақтида тўлиқ тўлашини таъминлашга қаратилган усул, шакл ва ташкилий тадбирлар жамланмаси.

солиқ назоратининг мақсади - солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлиқ бюджетига ундириш.

солиқ назоратининг шакллари - солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш, солиқ текшируви ва бошқа шаклларда ифодаланувчи алоҳида тоифадаги ташкилий-ҳуқуқий ҳаракатлар жамланмаси.

солиқ назоратининг вазифалари - солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишини текшириш, солиқ ҳуқуқбузарликларини олдини олиш, солиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш билан боғлиқ асосий мажбурий ҳаракатлар жамланмаси.

солиқ назоратининг элементлари - солиқ назоратини амалга ошириш механизмининг таркибий қисми сифатида солиқ ҳуқуқий муносабатларининг ҳуқуқий мазмунини акс эттиради, солиқ назорати предмети, солиқ назорати объекти ва солиқ назорати субъектидан иборат.

солиқ назоратининг принциплари - солиқ назорати амалга оширилаётганда солиқ ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан биринчи навбатда риоя этилиши лозим бўлган қоидалар бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ кодексига алоҳида норма сифатида белгиланмаган. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунига[27] кўра хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий: назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик; Тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади каби принциплари келтириб ўтилган. Аммо ушбу принципларнинг таърифи келтириб ўтилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонунида[28] давлат назоратини амалга оширишнинг асосий принципларидан бири сифатида тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик, унинг барвақт олдини олиш ва профилактикаси самарадорлигини оширишни таъминлаш каби янги принцип тақлиф этилмоқда. Аммо ушбу қонунда ҳам асосий принципларга таъриф келтириб ўтилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда юқорида таърифи келтириб ўтилган тушунчаларни киритиш, шунингдек солиқ назоратининг асосий принципларини солиқ ҳуқуқи принципларидан алоҳида белгилаш лозим. Хусусан, солиқ назорати бобида текширишга ваколатлилиқ, текширишнинг қонунийлиги, текшириш учун огоҳлантириш, ноқонуний текширишлар тўғрисида хабар бериш; текширишлар сони ва муддатининг чегараланганлиги, текшириш устидан шикоят қилиш каби принципларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

## Иқтибослар /Сноски/ References

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2018 й., 06/18/5468/1420-сон (National database of legislation data, 30.06.2018 у., 06/18/5468/1420-number)

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-

сон, 232-модда 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, 9-San, 232-article 24.05.2019 у., 03/19/542/3177-number)

3. Д.Д.Сайдуллаев. Сущность налогового контроля и основные принципы его осуществления. Статья. Journal of Economy and Business. Vol.11-2. Россия-2018 - С.65 (D.D.Saydullaev. The essence of tax control and the basic principles of its implementation. Article. Journal of Economy and Business. Vol.11-2. Russia-2018-P. 65)

4. И.И.Кучерова, О.Ю.Судакова, И.А Орешкин. Налоговый контроль и ответственность за нарушения законодательства о налогах и сборах.-М., 2001.-С.26 (I.I.Kucherova, O.Y.Sudakova, I.A.Oreshkin. Tax control and responsibility for violations of the legislation on taxes and fees.- М., 2001.- P. 26)

5. М.В.Кустова, А.О.Ногина, Н.А.Шевелева. Налоговое право России. Общая часть. -М.,2001-С.55 (M.V.Kustova, A.O.Nogina, N.A.Sheveleva. Russian tax law. Common part. - М., 2001-P. 55)

6. И.А.Майбуров. Налоги и налогообложение. Учебник.-М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2012-С.109 (I.A.Maiburov. Taxes and taxation. Textbook.- Moscow: UNITY-DANA, 2012-P. 109)

7. А.В.Брызгалин. Налоги и налогообложение: учебное пособие.-М., 1997.- С.409 (A.V.Bryzgalin. Taxes and taxation: Study Guide.- М., 1997.- P. 409)

8. И.В.Осокина. Методические аспекты совершенствования выездных налоговых проверок крупнейших налогоплательщиков. Дисс...канд.эконом.наук. М., 2006.- С.14 (I.V.Osokina.Methodological aspects of improving on-site tax audits of major taxpayers. Diss...Cand. economic.sciences'. Moscow, 2006.- P. 14)

9. А.П.Зрелов. Современные проблемы и особенности определения сущности понятия "налоговый контроль" // Налоги и налогообложение. 2004. №9 -С.38 (A.P.Zrelov. Modern problems and features of definition of essence of concept "tax control" //Taxes and taxation. 2004. No. 9 -P. 38)

10. Т.Ф.Юткина. Налоги и налогообложение. Учебник. М.,1998.-С.34 (T.F.Yutkina. Taxes and taxation. Textbook. Moscow, 1998.- P. 34)

11. Д.Г.Черник, А.П.Починок, В.Л.Морозов. Основы налоговой системы. М.,2000.-С.86 (D.G.Chernik, A.P.Pochinok, V.L.Morozov. Fundamentals of the tax system. Moscow, 2000.- P. 86)

12. Р.Г.Сомоев.Общая теория налогов и налогообложения. М.,2003.-С.153 (R.G.Somoev.General theory of taxes and taxation. Moscow, 2003.- P. 153)

13. Н.Е.Евстигнеев. Налоги и налогообложение. Санктпетербург.2001-С.199 (N.Y.Evstigneev. Taxes and taxation. St. Petersburg.2001.-P. 199)

14. А.С.Селиванов. Налоговый контроль как вид государственного финансового контроля. Статья. М., Пробелы в российском законодательстве. 1-2012 -С.277 (A.S.Selivanov. Tax control as a type of state financial control. Article. М., Gaps in Russian legislation. 1-2012-P. 277)

15. Тошмуродова Б.Солиқ назорати.Ўқув қўлланма. "Иқтисод-Молия", 2007. -Б.11

(Tashmurodova B.Tax control.Training manual. "Economics-Finance", 2007. - P.11)

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, 9-San, 232-article 24.05.2019 у., 03/19/542/3177-number)

17. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2019 й., 03/19/

584/4025-сон (National database of legislation data, 15.11.2019 у., 03/19/584/4025-issue)

18. <https://regulation.gov.uz/uz/document/7232>

19. А.С.Селиванов. Налоговый контроль как вид государственного финансового контроля. Статья. М., Пробелы в российском законодательстве. 1-2012 -С.277 (A.S.Selivanov. Tax control as a type of state financial control. Article. M., Gaps in Russian legislation. 1-2012-P. 277)

20. О.В.Турчина. Правовое регулирование налогового контроля в Российской Федерации и пути совершенствование . Автореферат. дисс..канд. юр.наук. -М.2019. -С.10-11 (O.V.Turchina. Legal regulation of tax control in the Russian Federation and its improvement . Autoabstract. Diss..Cand. Jus.sciences'. - М. 2019. - P. 10-11)

21. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон (National database of legislation data, 15.11.2019 у., 03/19/584/4025-issue)

22. <https://regulation.gov.uz/uz/document/7232>

23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда (Bulletin of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2019 Article 47)

24. <https://regulation.gov.uz/uz/document/1596>

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Саттаров Дилшод,  
Ўзбекистон Республикаси  
Божхона институти ўқитувчиси

## АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА АДОЛАТСИЗ ҲУҚМ, ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ, АЖРИМ ВА ҚАРОР ЧИҚАРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

*For citation: Sattarov Dilshod. IN SOME FOREIGN COUNTRIES, RESPONSIBILITY FOR THE CRIME OF UNFAIR JUDGMENT, DECISION-MAKING, FINDING AND MAKING DECISIONS. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 23-28*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-3>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада айрим хорижий давлатларда адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқариш жинояти учун жавобгарлик масаласи баён этилган. Шунингдек бу борада олимларнинг фикр ва мулоҳазалар берилган.

**Калит сўзлар:** Адолатсиз, ҳукм, ҳал қилув, қарори, ажрим, жиноят, суд, жавобгарлик, объектив, субъектив томон.

Саттаров Дилшод,  
Преподаватель Таможенного института  
Республика Узбекистан

## В НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЕ НЕСПРАВЕДЛИВОГО СУЖДЕНИЯ, ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ, НАХОЖДЕНИЯ И ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается вопрос о несправедливом судебном решении,

решении об урегулировании спора, разводе и ответственности за преступление принятия решений в некоторых зарубежных странах. Также в этой связи приводятся мнения и комментарии ученых.

**Ключевые слова:** недобросовестность, судебное решение, приговор, судебное решение, преступление, суд, ответственность, объект, субъект.

**Sattarov Dilshod,**  
Teacher of the Customs Institute  
of the Republic of Uzbekistan

## IN SOME FOREIGN COUNTRIES, RESPONSIBILITY FOR THE CRIME OF UNFAIR JUDGMENT, DECISION-MAKING, FINDING AND MAKING DECISIONS

### ANNOTATION

This article deals with the issue of unfair judicial decision, decision on dispute settlement, divorce and responsibility for the crime of decision-making in some foreign countries. Also in this regard, the opinions and comments of scientists are given.

**Keywords:** bad faith, judgment, sentence, judgment, crime, court, responsibility, object, subject.

**А**долатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқариш жинояти учун жиноий жавобгарлик масаласини таҳлил қилишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқариш учун жиноий жавобгарликнинг шакллари, ўзига хос хусусиятларини янада кенгроқ ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Молдова Республикаси ЖК 320-моддасида ушбу жиноят учун жавобгарлик суд инстанциясининг қарорини бажармаганлик деб белгиланган[1].

Грузия ЖК 381-моддасида ҳам суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни ижро этмаслик учунга жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Молдова Республикаси ЖК 320-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг объектив томони суд актларини бажармаслик ёки бажаришга тўсқинлик қилиш сифатида шаклланган[2].

Латвия Республикаси ЖК XXIII боби "одил судловга қарши жиноий фаолият" деб номланиб, "суд ҳукми ёки суд қарорини бажармаслик" учун жавобгарлик кўзда тутилган меъёрни ўз ичига олган, Латвия Республикаси ЖК 296-моддасининг объектив томони "суд ҳукми ёки қарорини қасдан бажармаслик ёки бажаришга тўсқинлик қилиш" тарзида ифодаланган. Суд ҳукми ёки қарори жиноят предмети бўлиб, объектив томонидан уларнинг қонуний кучга кирган бўлиши кўрсатилмаган. Умумий субъект аломатларга эга ҳар қандай шахс мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин, субъектив томони эса айбнинг қасд шаклида ифодаланган[3].

Эстония Республикаси Жиноят кодекси 176-моддасида "суд ҳукми ёки қарорини бажармаслик учун жавобгарлик фақат кўзда тутилади. Диққатга сазовор жойи шундаки, Эстония Республикаси ЖК 176-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони 121- модда (Болаларга алимент тўлашдан бўйин товлаш), 122-



модда (Ота-онага алимент тўлашдан бўйин товлаш), 166-модда (Тадбиркорлик фаолиятига, маълум мутахассислик бўйича ишлашга ёки муайян лавозимни эгаллашга қўйилган таъқиқнинг бузилиши), 176-модда (Озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазони ўташдан бўйин товлаш) моддаларида кўзда тутилган жиноят аломатлари бўлмаган ҳолда, ижрога қаратилган қаратилган суд ҳукми ёки қарорини қасддан бажармаслик учун жавобгарликни кўзда тутди[4].

Мазкур давлатлар ЖКларида жиноятнинг субъектив томони турлича тавсифланган. Озарбайжон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ЖКларида қасддан бажармаслик кўрсатиб ўтилган. Беларусь Республикаси ЖКда субъектив томонни тавсифловчи ҳеч бир аломат мавжуд эмас; Молдова Республикаси ЖК 320-моддаси, Латвия Республикаси ЖКда ҳам қасддан бажармаслик ёки тўсқинлик қилиш кўзда тутилади. Украина ЖК 382-моддасида эса айбнинг суиқасд шакли кўрсатилади.

Жиноят субъектини таърифлаш масаласига МДҲ мамлакатлари қонунчилиги турлича ёндошган. РФ ЖКда ушбу жиноят субъекти сифатида ҳокимият вакиллари, давлат хизматчилари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи хизматчилари, давлат ёки муниципал муассасалар хизматчилари ҳамда тижорат ёки бошқа ташкилотларнинг хизматчилари; Беларусь Республикаси ЖКда мансабдор шахс жиноятнинг субъекти ҳисобланади; Грузия ЖК - ҳокимият вакили, давлат идораси мансабдори, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи (бунга тадбиркорлик ёки бошқа ташкилотда раҳбар ваколатига эга шахслар ҳам тенглаштирилган) ходимлари; Турманистон ЖКда - ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, ҳамда тижорат ёки бошқа ташкилот хизматчиси субъект сифатида кўрсатилган. Латвия Республикаси ЖКда эса умуман жиноятнинг субъекти кўрсатилмаган.

Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Молдова Республикаларининг қонун чиқарувчи органи кўриб чиқиладиган жиноят учун жавобгарлик белгилашда жиноят субъектидан келиб чиқиш йўлидан боришган (Озарбайжон Республикаси ЖК 306-моддаси 1-қисмида, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 350 моддаси 1-қисмида[5], адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқариш учун, Молдова Республикаси ЖК 320-моддаси 1-қисмида жиноят субъекти - ҳокимият вакили, давлат хизматчиси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси (тадбиркорлик ёки бошқа ташкилотда раҳбар ваколатига эга шахслар ҳам уларга тенглаштирилган) жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Дания ЖК 148-параграфига мувофиқ маълум юридик ҳужжатларни кўриб чиқиш ёки амалга оширишда қонунда назарда тутилган жараёнларга қасддан ёки жиддий совуққонлик туфайли риоя қилмаганлик учун маълум ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга шахслар ёки бошқа давлат ҳокимияти ваколатига шахслар ёхуд вазифасига кўра давлатнинг мажбурлов ҳокимиятини қўллаши мумкин бўлган шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин[6].

Франция ЖКнинг 131-35-моддасида мазкур жиноят мансадор шахс жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган нормани ўз ичига олган[7].

Германия давлати Жиноят кодексининг § 339да адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарганлик учу жиноий жавобгарлик берилган[8]. Жумладан, ҳакамлик ва бошқа судларнинг судьялари томонидан ноқонуний суд ҳужжатларини қабул қилиш ва чиқарганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Болгария ЖК "Одил судловга қарши жиноятлар" III-бўлими суд қарорларини

бажармаслик учун жавобгарлик тўғрисидаги икки нормадан иборат бўлиб, Болгария ЖК 293а моддасининг объектив томони қуйидагича кўринишга эга: "Ким суд қарорига мувофиқ кредитор олдидаги пулга оид мажбуриятини бажариши керак бўлса, уни суд қарори қонунан кучга кирган вақтдан бошлаб бунинг учун ушбу шахснинг етарлича маблағи ёки мулки бўлишига қарамай бир йил мобайнида бажармаса уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади". Суд қарорини бажаришга тўсқинлик қилишга келсақ, қонун чиқарувчи мазкур жиноятни Болгария ЖК 296-моддасида назарда тутиб, объектив томонига кўра ким суд қарорини нотўғри қабул қилса, чиқарса, бажаришга тўсқинлик қилиш ёки бажаришни тўхтатиш учун бу суд қарори қаратилган нарсани йўқ қилса, ишдан чиқарса, яширса, сотса ёки бериб юборса, деб берилган.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунлари таҳлил қилиш натижаси амин бўлдики кўпчилик ривожланган мамлакатларда тергов қилиш ва суд ҳокимиятининг мутақиллиги таъминланган ҳамда тўлиқ таъминланмаган мамлакатлар ҳам мавжуд экан.

Романа-герман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда ва баъзи бир бошқа мамлакатларда умумий юрисдикция судлар тизими билан бир қаторда, (яъни асосан, фуқаролик ва жиний ишларни кўриб чиқувчи судлар) давлат кенгаши деб атлувчи (Франция, Италия) ҳамда Олий маъмурий суд деб аталувчи орган томонидан (Швеция) бошқарилувчи маъмурий адлия тизими барпо этилади. Баъзи бир постсоциалистик мамлакатларда ҳам (Болгария, Чехия) худди шу тарзда иккитадан суд тизими таъсис этилган. Польшада Олий маъмурий суд, ҳозирча, Олий суд томонидан назорат қилинади, бироқ Польша Республикаси Конституциясининг 236 моддаси, 2-қисмига мувофиқ, 5 йил мобайнида, яъни у кучга кирган 1997 йилдан то 2002 йилгача Олий маъмурий суднинг мамлакат Олий судидан мастақил бўлишини таъминловчи "Маъмурий судлар тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши лозим. Кўпчилик мамлакатларда ҳарбий судлар тинч даврда ташкил этилмайди. Агар мамлакатда ҳарбий суд олдиндан мавжуд бўлса, у умумий юрисдикциянинг алоҳида бир соҳасини ташкил этади. Худди шу нарсани маъмурий судлар хусусида ва бошқа баъзи бир махсус судлар: оилавий, вояга етмаганлар, меҳнат, патент, молиявий солиқ судлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқариш жиноятини ҳорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини ўрганиш натижасида амин бўлдики, кўпгина мамлакатлар жиноят қонунчилигида ушбу жиноят аниқ белгиланганмаган. Масалан, биргина Латвия Республикаси Жиноят кодексига одил судловга қарши қаратилган бошқа жиноят учун, яъни "Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиниш" жинояти мустақил икки таркибли жиноят сифатида мустаҳкамланган. Яъни Латвия Республикаси Жиноят кодексининг 294<sup>1</sup>-моддасида дастлабки жиноят процессига аралашганлик учун жиний жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, тергов фаолияти йўналишини ўзгартириш ёки ноқонуний қарор қабул қилишга эришиш мақсадида дастлабки жиноят процессига тўсқинлик қилиш, аралашиниш, бирор бир тарзда таъсир этиш ижтимоий хавфли ҳаракатлари учун озодликдан маҳрум этиш, жамоадан ажратиб қўйиш, ижтимоий хизматларга жалб этиш ёки жарима жазоси билан жазоланар экан [9]. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, ушбу ҳаракатлар мансабдор шахслар томонидан содир этилганлиги учун жиний жавобгарлик белгиланган бўлиб, бир йил муддатга ҳуқуқдан маҳрум этиш ёки озодликдан маҳрум этиш, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга жамиятга хизматга жалб этиш ёки маълум бир вазифадан озод этиш жазоларидан бири

белгиланар экан. Шунингдек Латвия Республикаси Жиноят кодексининг 295-моддасига 2012 йил декабр ойида киритилган ўзгартиришга кўра суд ишларига аралашганлик яъни ноқонуний ҳукм ёки қарор қабул қилиш ёки элон қилишга эришиш учун бирор-бир тарзда судья, маслахатчиларга таъсир кўрсатиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва бу учун узоқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки жамоа хизматига жалб этиш жазоси қўлланилар экан. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса мансабдор шахсларнинг суд ишларига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва бу қилмиш учун бир йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум этиш ва жамоа ишларига жалб этиш билан биргаликда беш йилдан кўп бўлмаган мансабдор шахс лавозимидан озод этиш жазолари қўлланилади [10].

Хулоса қиладиган бўлсак, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқариш жинояти юзасидан хорижий тажрибани ўрганар эканмиз юқорида қайд этганимиздек, турли мамлакатларда бу жиноят учун турлижа жавобгарлик белгиланган ва бу жиноят турлича талқин этилган. Аксарият МДҲ давлатлари Жиноят кодексларида ушбу жиноят деярли Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилиги билан бир хил эканлиги қайд этилди. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 305-моддасида адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқариш жинояти учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра судьянинг судда олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган [11].

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Уголовный кодекс Республики Молдова-Вст. Статья к.ю.н. А.И. Лукшаева. Санкт Петербург: Юрид. центр-Пресс. 2003. - С. 408. (The legal code of the Republic of Moldova-VST. A. I. Luchsheva. St. Petersburg: The Faculty Of Law. center Press. 2003. - P. 408.)
2. Уголовный кодекс Грузия. Науч. ред. к. ю. н. А. И. Лукашова. Предисловие проф. Й. И. Айдарова. Перевод с болгарского Д. В. Милушева и к. ю. н. А. И. Лукашова. - Санкт-Петербург. Из-во "Юридический центр Пресс", 2001. - С. 42. <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426>. (Criminal code of Georgia. Science. ed. Foreword by Professor Th. I. Aidarova. Translated from the Bulgarian by D. V. Milushev and Ph. D. A. I. Lukashov. - Saint-Petersburg. Law center Press, 2001. - P. 42.)
3. Уголовный кодекс Латвийской Республики, 2001. (Criminal code of the Republic of Latvia, 2001.)
4. Уголовный кодекс Эстонской Республики, 2001. (Criminal code of the Republic of Estonia, 2001.)
5. Уголовный кодекс Республики Казахстан. Астана, Акорда, 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК - <http://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226>. (Criminal code of the Republic of Kazakhstan. Astana, Akorda, July 3, 2014 No. 226-V)
6. Уголовный кодекс Дании. Санкт Петербург: Юрид. центр Пресс, 2001. (Danish criminal code. St. Petersburg: The Faculty Of Law. center Press, 2001.)
7. Уголовный кодекс Франции / науч. ред. канд юрид наук., доц. Л.В. Головно, канд. юрид. наук., доц. Н.Е. Крыловой; перевод с французского и предисловие канд. юрид. наук., доц. Н.Е. Крыловой. - СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. - С.15. (French criminal code / science.the editorship of candidate of legal Sciences., Assoc. L. V. A, candidate. the faculty of law. sciences', Assoc. N. E. Krylova; translated from

French and presented by the candidate. the faculty of law. sciences', Assoc. N.E. Krylova. - SPb.: Law center Press, 2002. - P. 15.)

8. Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии / науч. ред. и вступ. Статья д.ю.н., проф. Д.А. Шестакова; предисловие доктора права Г.Г.Йешека; пер. с немецкого Н.С.Рачковой. - СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. - С.158. (Criminal code of the Federal Republic of Germany / science. ed. Article by PhD Prof. D.A.Shestakov; Foreword by doctor of law G.G.Yeshek; translation from German by N.S.Rachkova. - SPb.: Law center Press, 2003. - P. 158.)

9. The Criminal Law of the Republic of Latvia. This Law has been adopted by the Saeima on 17 June 1998. This Law shall come into force on 1 July 2009. Section 294.1 Interference in the Pre-trial Criminal Proceedings.

10. The Criminal Law of the Republic of Latvia. This Law has been adopted by the Saeima on 17 June 1998. This Law shall come into force on 1 July 2009. Section 295. Interference in a Trial of a Matter.

11. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. Скуратова Ю.И., Лебедева В.М. - М., 1997. - С. 368. (Comment to the Criminal code of the Russian Federation / Ed. Skuratov Yu.I., Lebedev V.M.-M., 1997. - P. 368).

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.05-ТРУДОВОЕ ПРАВО. ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Раҳимқулова Лола Улугмуродовна,  
Тошкент давлат юридик университети  
Меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: l.rahimqulova@tsul.uz

## ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА АЁЛЛАР ЎРНИ

*For citation: Rahimqulova Lola Ulugmurodovna. GENDER EQUALITY: THE ROLE OF WOMEN IN THE SOCIO-POLITICAL LIFE OF UZBEKISTAN. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 29-38*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-4>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада гендер тенглик, унинг этимологияси, гендер тенгликни таъминлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тутган ўрни таҳлил қилинган. Муаллиф мақолада гендер тенглик бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини қиёсий таҳлил қилган. Ўзбекистонда гендер тенглик масалалари, хусусан, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг иштироки масалалари ҳамда мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганган ҳолда уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** гендер тенглик, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, сиёсий ҳуқуқлар, меҳнат қонунчилиги, тенг ҳуқуқлилик, хотин-қизлар

Раҳимқулова Лола Улугмуродовна,  
Преподаватель кафедры Трудовое право  
Ташкентский государственный юридический университета  
E-mail: l.rahimqulova@tsul.uz

## ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО: РОЛЬ ЖЕНЩИН В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКИСТАНА

### АННОТАЦИЯ

В этой статье анализируется гендерное равенство и его этимология, а также роль Организации Объединенных Наций в поощрении гендерного равенства. В

статье автор приводит сравнительный анализ опыта развитых стран в области гендерного равенства. В Узбекистане были разработаны предложения и рекомендации для решения вопросов гендерного равенства, в частности участие женщин в общественной и политической жизни страны, а также для решения существующих проблем в этой области.

**Ключевые слова:** гендерное равенство, ООН, политические права, трудовое право, равенство, женщины

**Rahimqulova Lola Ulugmurodovna,**  
Teacher of Labor Law Department of the  
Tashkent State University of Law  
E-mail: l.rahimqulova@tsul.uz

## GENDER EQUALITY: THE ROLE OF WOMEN IN THE SOCIO-POLITICAL LIFE OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

This article analyzes gender equality, its etymology and the role of the United Nations Organization in promoting gender equality. In the article, the author provides a comparative analysis of the experience of developed countries in the field of gender equality. In Uzbekistan, proposals and recommendations were developed to address issues of gender equality, in particular the participation of women in the public and political life of the country, as well as to solve existing problems in this area.

**Keywords:** gender equality, United Nations Organization, political rights, labor law, equality, women

Бугунги кунда ўзбек аёлларининг нафақат оила ва фарзандлар тарбиясидаги ўрни, балки, мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳам беқиёсдир. Ҳозирда юртимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аёллар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш, соғлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турмуш даражасини яхшилашга эътибор юксак даражага кўтарилди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида аёлларнинг ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашга алоҳида тўхталди. Унинг таъкидлашича, ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда [1]. Барчамизга маълумки, ўтган қисқа давр мобайнида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар аҳволини тубдан яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 2 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори қабул қилиниб, изчил чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизларни

ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун барча шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, аёллар ва оила масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, мазкур сиёсатни мамлакатимиздаги барча идора ва ташкилот раҳбарлари қўллаб-қувватламоқда.

Дунё аҳолисининг ярмини, айрим давлатларда ундан кўпроғини аёллар ташкил этади, аммо инсон фаолиятининг ва жамиятнинг кўпгина мураккаб соҳалари, яъни билим, ихтисос, малака, кўникмалар талаб қилинадиган соҳаларида уларнинг иштироки ниҳоятда оздир [2].

Шу ўринда гендер тушунчасининг келиб чиқиш тарихини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Илк бор аёллар ва эркаклар ўртасида гендер тенгликни талаб қилиб чиққан намоёниш 1908 йил 8 март куни Америкада бўлиб ўтган эди. Намойишда қатнашган аёлларнинг барчаси сиёсий жараёнларда эркаклар билан тенг миқдорда овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритишни, меҳнат муносабатларида қисқартирилган иш вақти ва меҳнатга ҳақ тўлашда эркаклар билан тенглашишини қатъий талаб қилиб чиққан. Қарийб бир асрдан ошиқ вақт ўтибдики, дунёнинг кўплаб давлатларида ҳалқаро миқёсда бу кунни хотин-қизлар учун ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий соҳаларда фаол иштирок этиш имконияти берилган кун сифатида нишонланиб келинади [3].

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида гендер тенглиги атамасининг юридик категория сифатидаги изоҳи берилмаганлиги боис бу терминнинг этимологиясига диққат қаратамиз [4].

Бу сўз инглиз тилида "жинс" тушунчасини билдиради. Биологик жинс тушунчасини ижтимоий ҳодиса тушунчасидан ўзаро терминологик фарқлаган биринчи олим Америкалик сексопотолог Джон Мани эди. У 1955 йилда ўз илмий тадқиқотларида гендер терминалогиясининг ижтимоий ролини ёритиб берган. Шундан сўнг бу тушунча феминистик ҳаракатлар, феминистик назариянинг ривожланиши туфайли 1970 йилларнинг бошларида Америка ва Европа давлатларида кенг тарқалди. Феминистик назариячилар гендер тушунчасини жамиятда эркак ва аёлларнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ажратиш учун аналитик категория сифатида ишлатилган. Ижтимоий фанларнинг ривожини ва гендер тушунчасига бўлган илмий қизиқишлар бу соҳаларни чуқурроқ ўрганишга, таҳлил қилишга кенг имкониятлар яратиб берди [5]. Гендер тенглик индекслари асосан давлатларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида аёллар ва эркакларнинг тенг иштирок этишида, қолаверса, умумдавлат миқёсда муҳим деб ҳисобланган масалаларнинг қабул қилинишида икки жинс вакиллари овози бир-бирига пропорционал келишида яққол намоён бўлади. Чунки адолат жамиятда турли хил ижтимоий қатламлар ўртасида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаб турувчи муҳим фактор ҳисобланади. Бундан ташқари жамият ҳаётида аёлларнинг фаол иштирок этиш индекси демократик маданиятнинг асосий кўрсаткичи сифатида баҳоланади. Шу боисдан ҳам гендер тенглиги даражаси юқори бўлган давлатларнинг айнан сиёсий ҳаётида икки жинс вакиллари ўртасида ўзаро барқарор муҳит яратилганлигини кўпгина ривожланган давлатлар ҳаётида кўришимиз мумкин. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёллар бўлими собиқ ижрочи директори Мишел Башленинг қарашлари диққатга сазовордир. У шундай фикр билдиради: "Агар демократия аёлларнинг жамиятдаги фаол иштирокини ёки уларнинг фикрларини эътиборсиз қолдирса, аёллар ҳуқуқлари борасида ҳисоб беришдан бош тортилса, демакки, бундай демократия фақат фуқароларининг ярми учунгина таллуқли бўлиб

қолавереди" [6]. Ҳақиқатан ҳам Мишел Башленинг фикрлари жуда ҳаётий бўлиб, унга қўшилмасликнинг иложи йўқ.

Ёш давлатларнинг демократияга ўтиш жараёнлари давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жуда муҳим рол ўйнайди. Улар гендер тенгликни таъминлаш борасида миллий конституцияларга ўзига хос моддалар киритилишига "бош-қош" бўлишади. Бундан ташқари гендер тенгликни камситишга олиб келадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш орқали икки жинс вакиллариининг тенг ҳуқуқий ҳимоясини амалиётга реал жорий этишда ривожланаётган давлатларга кўмакчи бўлишади. БМТнинг диққати асосан аёлларга сайлов ҳуқуқининг берилишини, улар ҳам сайловларда ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқи берилишини, бундан ташқари давлат лавозимларига сайланиш, халқаро даражада ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олиш каби олий даражадаги имкониятлар берилишини таъминлашга қаратилади. Умуман олганда БМТ томонидан 1945 йилда (иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ) қабул қилинган "Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги тўғрисида"ги низом барча давлатлар ички сиёсатида ва уларнинг қонунчилигида гендер тенглигини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилди. Унинг қоидалари 1948 йилда қабул қилинган энг муҳим ҳужжат: "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация"сига ҳам сингдирилди. Шуниси эътиборлики, ушбу нормативлардан кейин қабул қилинган барча қонунлар, қонун ости актлар ва ҳаттоки, миллий конституциялар шаклланиши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

2010 йилда "БМТ-АЁЛЛАР" йўналишининг вужудга келиши халқаро ҳамжамият томонидан БМТнинг гендер тенглигини ўрнатиш борасидаги асосий вазифаларини бажаришга катта ёрдам беради, деб тан олинди. Улар асосан БМТга аъзо давлатларга гендер тенгликни ўрнатиш борасидаги халқаро андозаларни ҳаётга татбиқ қилишда жумладан, тегишли қонун ва дастурларни ишлаб чиқишда, уларнинг амалиётда кенг қўлланиши учун амалий ёрдам беради. Шу ўринда БМТ бош котиби Антонио Гуттериш 2018 йил феврал ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўз фаолиятини олиб бораётган аёллар ва эркаклар сони тенглашганини, яъни ваниҳоят улар бир хил бўлганлигини БМТ трибуналарида туриб бутун оммага гурур билан эълон қилди.[7]

Агарда биз гендер тенглиги таъминоти масаласига меҳнат ҳуқуқий муносабатлари тарафидан ёндошсак, аёллар меҳнатини қонун йўли билан тартибга солиш аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги принципларига асосланади. Аммо тан олиб айтишимиз лозимки, турмуш кечириш учун бажариладиган оилавий вазифаларда эса, амалда жинсларнинг тенг эмаслиги, аёл айни бир вақтнинг ўзида иккита жамоатчилик функциясини: касб ва оналик вазифаларини шаксиз бажаришини ҳисобга олиб жамият мутлақо ҳақли равишда аёлнинг оналик билан боғлиқ махсус ҳуқуқларини белгилаб қўйган. Меҳнат қонунчилигида аёл қачонки эркак кишига берилган ҳуқуқларга эга бўлиш билан бир қаторда оналик билан боғлиқ ўзига хос ҳуқуқларга ҳам эга булгандагина аёллар тенг ҳуқуқчилигига эришилади.

Халқаро ҳужжатларда барча давлатлар қонунчилиги учун асос бўла оладиган энг мақбул ва мақсадга мувофиқ қоидалар кўрсатилган бўлиб, унга кўра меҳнат муносабатларининг мақсади, принциплари ва нормалари ҳам унга қараб белгиланиши лозим. Шубҳасиз, амалдаги Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Меҳнат кодекси нормалари ҳам унинг қоидаларидан четга чиқмаган ҳолда яратилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бунга мисол қилиб эса Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган "Меҳнат ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисида"ги 1958 йилги 111 сонли Конвенциянинг



мазмунига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси тегишли моддалари мазмуни айнан мос келишини айта оламиз. Конвенциянинг 1-моддасида "камситиш" атамаси қуйидаги маъноларни ўз ичига олади:

А) меҳнат ёки бандлик соҳасидаги тенг муносабат ёки имкониятни йўқ қилувчи ёки ёмонлаштирувчи таъсирга эга бўлган ирқ, тана ранги, жинс, дин, сиёсий қарашлар, миллий мансублик ёки ижтимоий келиб чиқиш белгилари асосидаги ҳар қандай фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйиш;

Б) ишчилар ва иш берувчиларнинг вакиллик ташкилотлари, агар шундай ташкилотлар мавжуд бўлса, ҳамда бошқа тегишли органлар билан маслаҳатлашгандан сўнг аъзо томонидан белгиланиши мумкин бўлган, меҳнат ёки бандлик соҳасидаги тенг муносабат ёки имкониятни йўқ қилувчи ёки ёмонлаштирувчи таъсирга эга бўлган бошқа фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйишлар [8]. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддасида меҳнатга оид муносабатларнинг қайси жиҳатлари камситиш деб баҳоланиши шартлиги аниқ қилиб белгилаб қўйилган.

Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига аълоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатларда ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгиланишига йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади [9].

Шу ўринда Саша Бекер ва Ана Фернандесларнинг меҳнат муносабатларида гендер тенглик мавзусида Шветцария, Германия, ва Австралияда олиб борган изланишлари ўрганилди. Унга кўра, Европа давлатларида иш сўраб мурожаат қилган аёлларнинг оилавий шароитлари батафсил ўрганиб чиқилади. Иш сўраб мурожаат этган аёллар учун катта "хавф" бу уларнинг ҳомиладор булиши билан боғлиқ экан. Бунинг энг муҳим сабаби иш берувчи туғруқ учун кетган аёл ўрнига вақтинча бошқа ходимни ишга жалб этиш муаммоси турганлигидир. Яна бошқа муаммолардан бири бу аёлларнинг бола парвариши одат тусига кириб қолганлиги билан боғлиқдир. Иш берувчи учун ёш боласи бор аёлларнинг ходим сифатидаги камчилиги шунда кўринганки, агарда уларнинг болалари касалликка чалиниб қолса, улар то тузалиб кетгунига қадар ишга чиқмаслик йўллари қидиришган ва натижада, гоҳ қисқа муддатли таътилни расмийлаштиришган, гоҳида эса белгиланган иш вақтидан кўра озроқ ишлаш йўллари қидиришган. Бундай ҳаётӣ вазиятлар эса иш берувчи учун аёл ходимлар меҳнатининг маҳсулдорлиги эркак ходимларникига нисбатан қимматга тушиши исботланган. Бу икки олимнинг изланишлари шуни кўрсатдики, иш берувчилар иш сўраб мурожаат қилган аёллар орасида болаларининг ёши катта бўлиб қолган аёл ходимларни ишга қабул қилишга кўпроқ имконият беришар экан. Бунга эса сабаб қилиб ёши катта болалар парвариши учун кўп эътибор талаб қилинмаслиги ва болаларнинг касалликларга камроқ чалинишини, агар касалликка чалинган тақдирда ҳам оналарининг парваришисиз ҳам ўзлари мустақил тузалиб кета олишларига эътибор қаратишган. Ушбу давлатларда иш сўраб мурожаат этган аёллар статистикаси ўрганилганда, ёш аёллар (ҳомиладорликни режалаштираётган) ва фарзандлари ёш бўлган оналар ярим ставкали иш турларини танлашганини гувоҳи бўлишимиз мумкин [10].

2018 йил учун БМТнинг гендер тенглик, аҳоли саводхонлиги ва меҳнат бозорида

аёлларнинг иштироки бўйича дунё мамлакатларининг кўрсаткичларини қамраб олган статистик маълумотини ўрганиб чиқадиган бўлсак, унга кўра барча берилган кўрсаткичлардан "энг юқори" натижа кўрсатган 58 та давлатни кўришимиз мумкин. Швеция, Австрия, Ирландия, Германия, Швецария, Нидерландия, Дания, Канада, АҚШ, Англия кабилар киради. "Юқори" натижала кўрсатган 58 давлатлар қаторига Эрон, Туркия, Албания, Мексика, Хитой, Украина давлатлари қаторида Ўзбекистон ҳам бор. Барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда мамлакатимиз кўрсаткичи 105 ўринда бўлиб, бунда "энг паст" кўрсаткич парламент аъзолари ичида аёл аъзоларнинг 16.4 фоиз эканлиги бўлса, "энг юқори" кўрсаткич эса 25 ёшдан юқори бўлган аҳоли ўртасида саводхонлик даражаси бўлиб, унга кўра 99.9 фоиз аҳолимиз саводхон эканлигида намоён бўлди. Бундан ташқари меҳнат бозорида иштироки бўйича аёллар 53.8 фоизни, эркеклар 77.9 фоизни ташкил этади.[11]

Барча кўрсаткичлардан энг юқори натижага эришган Норвегия давлати амалиётини кўриб чиқамиз. Олимлардан К.Братон ва Т.Рай Норвегия хотин-қизларининг сиёсий фаолиятининг натижаларини ўрганган олимлардир. Улар қузатган 5 та маҳаллий Норвегия сайловларида 1975-1991 йиллар орасида сайланган хотин-қизларнинг сиёсий фаолияти натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, аёллар ўз фаолиятида ижтимоий соҳаларга жумладан, қариялар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга, соғлиқни сақлаш тизими ривожига, таълим ва маданият соҳалари ривожига эркек жинсига мансуб ҳамкасбларига қараганда жиддийроқ эътибор қаратишар экан. Норвегия гендер тенглигини таъминлаш бўйича ўзига хос бўлган 20 йиллик тажрибага эга давлатдир. Норвегия ҳукумати 1992 йилнинг 25 сентябрида барча маҳаллий ижро органлари таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлашни янада кучайтириш, шунингдек гендер тенглигини барқарорлаштириш мақсадида ушбу йўналишда қабул қилинган қонунлар ва қонуности актларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритди. Унга кўра маҳаллий ижро органларига ва юқори вакиллик органларига сайланган аъзоларнинг имкон қадар 40 фоизи аёллар бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилган.[12]

Халқаро нуфузга эга булган ташкилотлар, жумладан, БМТ гендер тенглик статистикаларида кучли ўнталикка кирган давлатлар парламенти аъзолари гендер тенглик бўйича ўрганиб чиқилганда, аъзоларнинг тенг ярмини аёллар ташкил этишини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Демак, ушбу мамлакатлар сиёсий бошқарувида ва умумдавлат миқёсида қабул қилинган ўта муҳим масалалар муҳокамасида ҳамда ечимида икки жинс вакиллари тенг иштирок этишади. Натижада эса ўша давлатларнинг ҳам иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий жиҳатдан ривожланишига, дунё бўйича эса ўз ватанини ривожланган давлатлар қаторида туришига амалий ёрдам беради.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, гарчанд аёллар саводхонлиги даражаси 99.9 % ташкил этсада, Ўзбекистонда парламент аъзоларининг атиги 16.4% ни аёллар ташкил этади. Фикримизни таққослаш учун қуйидаги маълумотни келтириб ўтамиз. Афғонистонда аёлларнинг 12%ининг саводи бўла туриб, 5 нафар аёл вазир, 7 нафари эса элчи аёллардир (масалан, Афғонистон Ислом Республикасининг АҚШдаги элчиси аёл киши), кўшни Қозоғистон Республикаси Қонунчилик палатаси аъзоларининг 27%и аёллардир [13].

Айни пайтда республикамиз давлат секторида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг қарийб 80%и асосан 2 та ижтимоий соҳа: таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритиб келмоқда. Энди бу иккала йирик соҳаларнинг бошқарув

органларига, яъни раҳбарият таркибига назар ташлаймиз. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ва унинг барча ўринбосарлари эркак кишилардир. 2018 йил 12 мартда вазирлик ўз сайтида тақдим қилган статистик маълумотларига кўра, 2016-2017 ўқув йили мобайнида 275.180 минг аёл ўқитувчи бўлса, 114.560 минг эркак ўқитувчилар, 2017-2018 ўқув йиллар 287.799 минг аёллар вакили бўлса, 120.336 мингтаси қарши жинс вакиллари бўлишган. Ушбу кўрсаткич жорий йилда 311.151 минг аёл ўқитувчилар бўлса, 131.253 мингтаси эркак ўқитувчилардир.[14] Берилган кўрсаткичлардан ҳам маълумки, халқ таълими тизими фаолиятида аёл ўқитувчилар салмоқли ҳисса қўшиб келсаларда, аммо тизим бошқарувида уларнинг ҳиссаси кам. Бу ҳолат бошқа тизимларда ҳам кузатилади.

Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш кўрсаткичи бўйича барча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларидан ортда қолди. Ҳуқуқшунос Д.Атажанованинг фикрларига кўра, бунга қуйидагилар сабаб бўлган:

Биринчидан, афсуски, ҳалқимиз ўтмишда мустамлакачилик тизимида яшаганлиги боис, унинг салбий асоратлари ижтимоий турмушимиз воқеиликларида кўзга ташланиб қолади. Масалан, боланинг касб танлашида кичиклигидаёқ маълум бир чекловлар мавжуд. Вояга етиб келаётган ўсмир қизларимизнинг касб танлаш борасидаги фикрлари ва мақсадлари кўпгина ҳолатларда оила даврасидаёқ қатъий рад этилади, натижада улар ўз қизиққан соҳаларига кириб бориша олмайди. Ваҳоланки, қонунчилигимизда ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Иккинчидан, ҳалқимиз раҳбар деганда кўпинча эркак кишилар тимсолини тасаввур қилишади. Яъни бирор ташкилотда аёлларнинг раҳбар лавозимида ишлаши у даражада илиқ таассурот қолдирмайди. Бу эса ўз-ўзидан хотин-қизларнинг юқори лавозимларда фаолият юритиши учун сунъий тўсиқнинг юзага келишига замин яратишга қолмай, жамиятда носоғлом муҳитни вужудга келтиради.[15]

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига назар ташласак, аёлларга айниқса ёш болалари бор аёлларга бир қанча имкониятлар ва кафолатлар берилишига қарамасдан, афсуски, амалиётда етарлича муаммолар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги 2019 йилнинг 10-июнидаги қарори гендер тенглигини таъминлашга ва уни амалиётга кенг жорий этишга бўлган илк қадамлардан бири бўлди. Чунки ривожланган давлатларида, шунингдек МДХ давлатларида ҳам аёллар меҳнати таъқиқланган ишлар рўйхати берилмаган. Бу борадаги яна бир муҳим сиёсий ўзгаришлардан бири президентимиз Ш.Мирзиёев 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида "Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини мутасадди идора ва ташкилотларга юклаши бўлди. Бунинг натижасида гендер тенглик борасидаги муммолар ниҳоятда адолатли ва оқилона ечим топди. 2019 йилнинг 2 сентябрида "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги жамиятимиз ривожига ниҳоят

даражада катта ҳисса қўша оладиган тарихий қонун қабул қилинди.

Кўзда тутилаётган муаммолар: Ўзбекистон меҳнат қонунчилигида ҳам ўзига хос кафолатлар назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 15-бобида айрим тоифадаги ходимларга қўшимча кафолат ва имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Унинг 1-бобида аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар батафсил ёритилган бўлиб, унга кўра ҳомиладор аёлларни ва боласи бор аёлларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар (224-модда), ҳомиладор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш (226-модда), икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш (227-модда), 228-моддада эса, тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатининг қўлланишини ва уларни хизмат сафарига юборилиши чеклаш назарда тутилган. Қўшимча дам олиш кунининг белгиланиши (230-модда), аёлларга йиллик таътилларни бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар (231-модда) ёки болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар (236-модда)нинг борлиги қонунчиликда қатъий белгиланиши, албатта, мамлакатимиз кучли фуқаролик жамияти сари юз тутаётганлигидан далолат беради[16].

Аммо меҳнат қонунчилигида ушбу кафолатлар ва имтиёзларнинг борлиги бюджет тизимидаги меҳнат муносабатларида аёллар иштирокини сезиларли камайтиради. Бу ҳолатнинг вужудга келишига ўзига хос сабаблар мавжуд. Биринчидан, меҳнат қонунчилигида иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги белгилаб қўйилган бўлсада, аммо амалиётда бир иш кунининг қонунчиликда белгилаб қўйилган меъёрларидан кўра кўпроқлигидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, аёллар жамиятда иккита функцияни бажаради. Булар эса касб ва оналик билан боғлиқдир. Амалда иш вақтининг узайиб кетиши аёлларнинг ходим сифатида меҳнат муносабатларига кириша олмаслигига сунъий тўсиқ бўлмоқда. Иккинчидан, гендер тенглик тушунчаси ҳақида гап кетганда аёлларнинг давлат сиёсатидаги иштироки тушунилади. Лекин, аёлларимизнинг салмоқли қисми хусусий секторда фаолият олиб боришади. Гарчи меҳнат қонунчилигимизда ёш болалари бор аёлларга бир қанча кафолат ва имтиёзлар берилган бўлсада, хусусий секторда фаолият олиб бораётган аёллар учун бу каби имтиёзлар салбий оқибатлар келтириб чиқармоқда. Чунки биз биламизки, тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолиятида, албатта, фойда олишни мақсад қилиб қўяди шу сабаб аёлларни ходим сифатида ёллаш уларга бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқаради ва оқибатда қонунни "айланиб ўтиш" чораларини излашади. Кўтарилган муаммога қўйидагича таклиф берилади: Биз дунё ҳамжамиятига яқинлашар эканмиз, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилар эканмиз, демак, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида гендер тенгликни таъминлашга интилишимиз зарур.

Шу боис:

биринчидан, мансабдор шахслар томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддасида кўрсатилган жарима миқдорини 20 баробардан 30 баробаргача қилиб кўтаришни таклиф этамиз. Бунинг асосий сабаби ҳозирги амалиётимизда меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларининг

бузилиши кўпчилик ҳолларда аёллар меҳнат муносабати билан боғлиқлигида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонун ҳужжатлари бузилиши учун маъмурий жазо сифатида қўлланилаётган жарима миқдори ниҳоятда камлиги кўзга ташланади. Таққослаш учун: ушбу кодекснинг 51-моддаси меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш деб номланиб, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ёритилган.

Иккинчидан, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни кафолатлари тўғрисида"ги қонун ушбу соҳа ривожини учун қабул қилинган муҳим амалий қадам бўлди. Қонун қабул қилиниши катта сиёсий қадам бўлишига қарамасдан, унинг амалиётдаги механизми жорий этилмаганлиги боис ижро этиш билан боғлиқ муаммолар очиқлигича қолмоқда.

Учинчидан, юқорида тилга олинган қонунда гендер тенглигини таъминлашда давлат хизматлари иштироки кенг ёритилган. Яна бир таклифимиз шундан иборатки, агар давлат хизматлари тўғрисида қонун қабул қилинса, албатта ушбу қонунда аёлларнинг давлат хизматларидаги иштирокини ёритишга қаратилган алоҳида боб киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. <https://xdp.uz.nuqtai-nazar/176>
2. <https://kun.uz./news/2019/06/22/shavkat-mirziyoevning-oliy-majlis-senatining-20-yalpi-majlisi>
3. [https://forbes.kz//process/expertise/kogda\\_borba\\_za\\_gendernoe\\_ravenstvo\\_v\\_kazahstane\\_stanet\\_bessmyislennoy/](https://forbes.kz//process/expertise/kogda_borba_za_gendernoe_ravenstvo_v_kazahstane_stanet_bessmyislennoy/)
4. Ўзбекистон юридик энциклопедияси.Т:"Адолат", 2010 (Legal Encyclopedia of Uzbekistan.Т: Adolat, 2010)
5. "Демократия и гендерное равенство: роль Организации Объединенных Наций" Программный документ. United Nations, 2013. ("Democracy and Gender equality: Role of Organization United Nations" Program document. United Nations, 2013)
6. [www.un.uz](http://www.un.uz).
7. <https://www.adb.org/sites>
8. Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисида. Женева.:111-Конвенция,1958. (111-Convension On Discrimination in Labor and Employment. Geneva, 1958)
9. Йулдош Турсунов. "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига шарҳ" Т.:

"Адолат", 2018. (Yuldash Tursunov. Interpretation of the Labor Code of the Republic of Uzbekistan. T.: Adolat, 2018)

10. [www.elsevier.com/locate/labeco](http://www.elsevier.com/locate/labeco)

11. "The impact of women above the political glass ceiling: Evidence from a Norwegian executive gender quota reforms" [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com)

12. <https://human.uz/news>

13. <https://forbes/rz>.

14. <https://www.uzedu.uz>

15. <https://human.uz/news>.

16. [lex/docs/4369903](http://lex/docs/4369903)

---

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

---

**12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

---

**Хакбердиев Абдумурад Абдусаидович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Фуқаролик процессуал ва иқтисодий  
процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: m.hakberdiev@mail.ru

## **ЎҒИРЛИК ВА ТАЛОНЧИЛИККА ТАЪЛУҚЛИ БЎЛГАН ИНСЦЕНИРОВКАНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ**

---

*For citation: Khakberdiev Abdumurad Abdusaidovich. INVESTIGATION OF DRAMATIZATION OF THEFTS AND ROBBERIES. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 39-45*

---



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-5>

### **АННОТАЦИЯ**

мақолада инсценировка тушунчаси ва терговдаги аҳамияти, ўғирлик ва талончиликка таълуқли жиноятларни тергов қилиш усуллари таҳлил этилган. Таҳлил якунида миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инсценировка, тергов, ўғирлик, талончилик, экспертиза, тезкор қидирув, гувоҳ, жабрланувчи, сўроқ қилиш.

---

**Хакбердиев Абдумурад Абдусаидович,**  
преподаватель кафедры Гражданское процессуальное  
и экономический процессуальное права  
Ташкентского государственного  
юридического университета,  
E-mail: m.hakberdiev@mail.ru

## **РАССЛЕДОВАНИЕ ИНСЦЕНИРОВОК КРАЖ И РАЗБОЙНЫХ НАПАДЕНИЙ**

## АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы понятие инсценировки и её роль в следствии, методы расследования преступлений касающиеся грабежа и кражи в автотранспортных средствах. В заключении анализа разработаны предложения и рекомендации по усовершенствованию национального законодательства.

**Ключевые слова:** инсценировка, следствие, кража, грабеж, экспертиза, оперативный розыск, свидетель, жертва (потерпевший), допрос.

**Khakberdiev Abdumurad Abdusaidovich,**  
Teacher of Civil Procedural and Economic  
Procedural Law the Department  
of the Tashkent State University of Law,  
E-mail: m.hakberdiev@mail.ru

## INVESTIGATION OF DRAMATIZATION OF THEFTS AND ROBBERIES

### ANNOTATION

The article analyzes the concept of dramatization and its role in the investigation, methods for investigating crimes related to robbery and theft in motor vehicles. At the end of the analysis, proposals and recommendations for improving national legislation were developed.

**Key words:** dramatization, investigation, theft, robbery, examination, operational search, witness, victim (victim), interrogation.

**А**йни пайтда тергов амалиёти жиноятни содир этиш ва яшириш усуллари атурли хилдаги жиноятлар устидан тергов олиб боришга қарши ҳаракатлар анча мукаммаллашганидан дарак берапти.

Жиноятчиларнинг жиноий аҳамиятга эга ҳодисаларни инсценировка қилиш каби жиноий фаолиятни яширишнинг ақлли йўлларида фойдаланаётганлари анча хавотирга соляпти. Одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар инсценировка қилинади ва, шубҳасиз, жиноий фаолиятни яширишнинг мазкур усули умуман олганда ижтимоий хавфни оширади. Улардан баъзилари ижтимоий хавфли қилмиш белгиларига эга бўлиб, жиноятларнинг тўлиқ таркибини ташкил қилади.

Қонун чиқарувчининг бу муаммога реакцияси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига криминалистик моҳиятига кўра инсценировка қилинадиган жиноятларнинг ўндан ортиқ таркиби бўйича жиноий жавобгарликнинг мавжудлигидир.

Жиноий инсценировка трансмиллий жиноятчиликнинг барча тармоқлари ривожига учун шароит яратувчи ўзига хос механизм бўлиб қолмоқда. Унга қарши курашиш жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Сўнгги ўн йил давомида жиноий инсценировка турли хил жиноий тармоқлар муаммоси халқаро тус олди ва қатор мамлакатлар ҳукуматининг обрўсига салбий таъсир этиши мумкин бўлган сиёсий омилга айланди.

Бу эса давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда куриш бугун изчиллик



билан амалга оширилаётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўлининг қонунчилик негизлари учун асосий мезонларидан биридир.

Ўғирлик ва талончиликка таълуқли бўлган инсценировкани давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солган ҳолда, уни бартараф этиш учун нафақат миллий, балки халқаро даражада чора-тадбирлар белгилашни тақозо этмоқда.

Маълумки, содир этилган жиноятларнинг мутлақ кўпчилиги тез-тез боғлиқ бўлган ўзига ўзи хизмат қилувчи омилга эга маълум бир иқтисодий (молиявий) фойда. Ж. Робинсон ҳақли равишда шундай деб ёзади: "Агар биз психопатлар тарафи ва севги"ни тарк қилсак қонунни бузган одамлар кўпинча жиноятчилар пул учун пулга боришади. Мана шунинг учун улар гиёхвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланмоқдалар. Жиноятчилар жиноятчиларга айланишади, чунки улар бу жиноят фойдали эканлигига ишониб ўзларининг инсценировкаларини яратади.

Жиноий инсценировка миллий ва глобал хавфсизликка жиддий таҳдидни ифодалайди. Давлат ва унинг асосий иқтисодий институтлар нормаллашини бузади, бозор ислохотларини олдини олади ва давлат томонидан мамлакат ҳуқуқий ҳамда молия тизимини назорат жамоатчилиikka давлат муассасаларига нисбатан ишончсизлик келтириб чиқаради, халқаро майдонда эса Ўзбекистоннинг салбий имиджини яратади. Бунга қарши курашнинг самарадорлиги институционал ва ҳуқуқий тизим самарадорлиги билан боғлиқ яъни бошқача қилиб айтганда, жиноий инсценировкага қарши қарши курашиш тизимидир. Миллий хавфсизлик, шу жумладан иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий таҳдидлар мажмуини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси мажбур жиноят оламида инсценировкага ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ташкилий ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашишга қаратилган бошқа чоралар жиноий инсценировка билан боғлиқ жиноятларнинг текширилиши - махсус ваколатли давлат органларининг жиноят аломатлари бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар ёки ҳаракатлар тўғрисида маълумот олиш, жиноят таркибини тузиш ва жиноят таркиби, жиноятчиларнинг очилиши, жиноятни тиклаш чоралари ҳисобланади.

Ўз ўрнида савол туғилади яъни жиноий инсценировка нима? Жиноий инсценировка - тезкор-тергов, тергов, суд амалиёти ва суд-тиббиёт фанининг чуқур тарихий илдизларига эга бўлган анъанавий объектдир. Инсценировка - бу терговни адаштириш учун воқеа содир бўлган жойнинг ҳолатини манфаатдорлар томонидан сунъий равишда яратиш ёки ўзгартириш. Маҳаллий суд тиббиётида ушбу объектнинг назарий ва амалий жиҳатларини фаол равишда ривожлантириш деярли ярим аср давомида амалга оширилди. Олинган натижалар криминалистика тизими унда жиноий инсценировка доктринасининг янги элементи пайдо бўлиши билан бойитилган ва бу амалий тусдаги ушбу фактдан келиб чиқадиган барча ижобий натижалар билан бойитилди деган хулосага асос бўлади[1].

Бу дегани яъни мазкур таълимот ниҳоят ривожланган ва етарлича кенг қамровли, изчил илмий билимлар соҳасидир. Унинг шаклланиши жараёни ҳали тўлиқ мавжуд эмас. Йиғилган потенциал кенг қамровли масалаларни батафсилроқ тушуниш, чуқурлаштириш ва ривожлантиришни талаб қилади. Булар тадқиқотимизнинг мавзусига айланган муаммолар киради. Шу ўринда жиноий инсценировка тушунчасини аниқлаш муаммоларига тўхталиб ўтамиз.

Мураккаб уюшган жиноий инсценировка - бу жиноят оламининг "қаҳрамонлари"нинг алдашга, сўз ва хатти-ҳаракатлар билан адаштиришга қаратилган қасддан қилинган концентрацияланган ифода шаклларини аниқлаш

ва очиб беришнинг энг қийинларидан бири: қасддан ёлғон маълумотлар, яъни оғзаки ва ёзма нутқ маълумотлар, ёлғон хабарларни тарқатиш ва бошқалар, шунингдек бузувчи ёлғон маълумотлар орқали бу мансабдор шахслар ва фуқароларнинг онги, ҳис-туйғулари, қарорлари, ҳаракатлари ва фаолияти ҳамда хатти-ҳаракатларига таъсир қилувчи босқичларидандир.

Жиноят тўғрисидаги нотўғри маълумотлар жиноий қўзғатиш предметининг фикрлари, режалари, хатти-ҳаракатлари ва у эришган натижаларга киради. Ушбу ёвузликнинг зарарли томонлари, айниқса, бугунги кунда бир қанча давлатларда тез суръатлар билан ўсди. Бунинг учун сабаблар ва тушунтиришлар мавжуд[2].

Инсценировка қуйидаги зиддиятли вазиятлар, вазиятни сунъий равишда ўзгартириш фактлари, турли хил жиноятлар аломатларининг мавжудлиги, шахсий изларнинг ёрқин намоёйиш этувчи табиати ва бошқалар билан белгиланади. Салбий ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар, айниқса инсценировка, воқеанинг моҳиятини аниқроқ аниқлашга, унинг жиноий ёки йўқлигини аниқлашга имкон беради.

Жиноий ишларни ўрганиш ва тергов ходимларини дастлабки сўров натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, терговчилар турли хил жиноий хатти-ҳаракатларни қамраб олувчи инсценировка текширишда муайян қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу маълум даражада терговчилар ва сўровлар жиноий инсценировка текшириш учун услубий ишланмалар билан етарли даражада таъминланмаганлиги билан изоҳланади.

Жиноятга қарши курашиш амалиётида жиноий воқеани босқичма-босқич белгилашнинг мақсад-моҳиятини очиб берадиган назарий қоидаларни ишлаб чиқиш, уларнинг асосида ушбу турдаги жиноий саҳнани тергов қилишнинг типик дастури асосида асослаш ва шакллантириш долзарб вазифадир.

Шу ўринда тергов жараёнида тажовуз ва талончиликларни очиш ва тергов қилиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг кетма-кетлигини аниқлаш бўйича фаолият самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири терговнинг маълум бир дақиқасида устун бўлган ва тергов ҳолатини тўғри ва ўз вақтида амалга оширилганлигидадир.

Жиноий инсценировканинг барча турлари ва ҳолатлари ва ушбу эмпирик ҳақиқат қасддан ёлғоннинг заҳари билан тўйинган, қасддан ёлғоннинг феноменига асосланган, қасддан ёлғоннинг апотеизи бўлиб, қасддан ёлғоннинг янги босқичини бошлаш учун туртки бўлиб хизмат қилади. Тутиб турилган жиноий резолюция - бу жиноятчининг ўзи томонидан ишлаб чиқарилган ва унинг манфаатларига жавоб берадиган хато чоралар ва қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш ниятида мурожаат қилган одамларга тушуниш ва истеъмол қилиш учун тақдим этилган ёлғон маълумотлар маҳсулоти ҳисобланади.

Ушбу ҳодисанинг гайриоддий хаёлий хусусиятлари хусусида Г.А. Зорин ўз фикр мулоҳазаларини айтб ўтган. Унинг фикрича, жиноий инсценировка тирик организм сифатида, бадий образ сифатида, жиноятчининг терговчи билан акс эттирувчи ўйини, ёлғон жабҳаси бўлган йўлларда музлатилган ҳаракат сифатида, лекин ҳақиқий пойдевор билан кўриб чиқиш мумкин. Тактик операцияни жиноий уюштириш деб аталган. Г.А. Зорин таъкидлашча, ушбу жиноий ижодкорлик ҳаракати воқеликни фантастикага айлантириш, олдинги ҳаракатнинг маъносини бузиш ва унинг ўрнига ҳақиқий жиноий ҳаракатларнинг баҳосини бузадиган ноаниқ алоқаларни шакллантиришга қаратилган сунъий таълимни ўсиши сифатида тавсифланиши мумкин[3].

1) ҳодисанинг алоҳида элементларини чиқариб ташлаш, яшириш (сук сақлаш

бўйича);

2) ҳодисани хаёлий тафсилотлар ёки элементлар билан тўлдириш, улар орқали воқеага керакли белги ва ранг берилади;

3) бутун воқеани ўзининг ҳақиқий элементлари билан хаёлий ёки ҳақиқий воқеалар ёки элементларга алмаштириш.

Ушбу таркибий қисмлардан турли хил комбинацияларда ёки ўзгартирилган шаклларда алоҳида фойдаланиш мумкин. Инсценировка деганда ҳар доим маълум бир ниятлар билан қўзғаладиган ва аниқ мақсадга эришишга қаратилган онгли ихтиёрий ҳаракатлар йиғиндисиدير. Яна бир бор таъкидлаймизки, тадбирни ўтказишдан асосий мақсад - ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ва бошқа шахсларни йўлдан оздиришга уриниш, содир бўлган воқеаларнинг ҳақиқий манзараси тўғрисида нотўғри маълумот беришдан иборат. Шу тарзда, ҳуқуқбузар воқеа тўғрисида нотўғри тасаввур беришга, ўз фикрларини керакли йўналишга йўналтиришга ва ўз режаларига мос келадиган версияларни илгари суришга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, инсценировканинг хатти-ҳаракатлари жинойий ҳодисани умуман яширишга, воқеани ўзгартиришга, унинг шахсий ҳолатини (яшириш, қалбакилаштиришга) (усул, вақт, жой, иштирокчиларнинг кимлиги ва бошқалар) қаратилган бўлиши мумкин.

Тергов ҳати-ҳаракатларининг ҳолатини таҳлил қилиниши асосий аҳамияти шундаки, у мавжуд вазиятни аниқлаштиришга ва аниқ вазифаларни шакллантиришга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида тергов йўналишлари, тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг мазмуни, зарур куч ва воситаларни ажратиш ва ҳоказоларни ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилинганлиги бўйича имкон беради. Бундан ташқари, терговнинг тегишли босқичида ишнинг вазифалари ва йўналишлари белгиланганлиги, терговнинг одатий ҳолати, жиноятларнинг очилиши ва тергов қилиниши учун зарур бўлган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг кўлами, доираси ва кетма-кетлигини аниқлашда одатий тергов ҳолати катта аҳамиятга эга[4].

Жиноят ишини қўзғатилганлигига ва тергов қилиш жараёнига жиноят иши қўзғатилган пайтда юзага келадиган ҳолат энг муҳим эканлигини инобатга олиш лозимдир. Бу эса дастлабки тергов жараёнидаги ҳолатдир.

Юқоридаги қоидаларга асосланиб, дастлабки тергов ҳолатини жиноят иши қўзғатилган пайтдаги мавжуд ҳолатлар ва шароитлар тизими сифатида аниқлаш мумкин, бу эса жиноятни муваффақиятли очилиши учун зарур бўлган ташкилий ва тактик чора-тадбирлар мажмуасини белгилайди.

Терговнинг бошланишидан бошлаб жиноят тўғрисида дастлабки маълумотларни олинганлигига тўхталиши лозим. Шунингдек воқеа жойини текшириш пайтида, аризалар ва алоқалар бўйича қарорлар қабул қилиниши ва текшириш пайтида дастлабки тергов ҳолати қандай аниқланганлиги ва белгиланганлигига эътиборга олинади.

Шу муносабат билан дастлабки тергов ҳолати ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жиноят тўғрисида хабар олинган пайтдан бошлаб шошилиш тергов ҳаракатлари тугагунга қадар, гумон қилинувчи ҳибсга олганлиги, унинг шахсини аниқлаш ва муайян жиноятда иштироки ҳамда уни содир этишнинг ўзига хос ҳолатлари билан чекланган бўлиши мумкин деб ҳисобланади. Ушбу ҳолат дастлабки вазиятнинг кескин ўзгаришини англатади.

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, менинг фикримча, дастлабки тергов вазиятларини ҳал қилиш учун терговчилар ва суриштирув олиб

борувчи шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари тергов жараёнида ҳисобга олиб бориш режасини тузиб олиш лозим. Бунда:

\* ният ифодаланган аниқ шакллар ўрганилаётган тур учун жиноят содир этишни аниқлаш;

\* шерикларни топиш, режа тузиш бўйича ҳаракатлар жиноят, қурол ва қурол топиш;

жиноят, транспорт воситалари, ташқи кўринишини ниқоблаш воситаларини аниқлаш;

\* тахмин қилинаётган вазиятни ўрганишга қаратилган ҳаракатлар жиноят жойлари, унинг атрофидаги жой, эҳтимол яшириниши ёки кетиш йўллари аниқлаш;

\* қидирув ишлари, омборхоналарни жиҳозлаш, демонтаж қилиш, ўғирланган товар моддий бойликларини ёки транспорт воситаларини ўзгартириш, шу мақсадда пайвандлаш усулини излаш, расм ва бошқа жиҳозлар аниқлаш;

\* бир марталик мижозларни қидириш ёки ташкил этиш бўйича ҳаракатлар ўғирланган ёки талончилик йўли билан ўзлаштирилган товар моддий бойликларни доимий сотиш каналлари аниқлаш;

\* содир этилган жиноятлар содир этилган жойлар, вақт, усуллар тўғрисидаги маълумотлар ва уларда иштирок этган шахслар, оқибатлари, табиати ва ҳажми етказилган зарарни аниқлаш;

\* жиноят излари ва уларнинг қуролларини яшириш бўйича қуролни ишлатиш ва ўғирлаш, ўғирланган модификация транспорт воситалари, ўғирланган товарларни сотишини аниқлаш;

\* ичида турли бойликларни олиш учун ҳаракатлар жиноят содир этишдан олинган пуллар, сақланадиган жойларни аниқлаш;

\* терговга қарши ҳаракатлар, унинг шакллари амалга ошириш усулларини аниқлаш;

\* жиноятчиларнинг шахсий хусусиятлари (турмуш тарзи, мавжудлиги) судланганлик, уйда, ишда ёки ўқиш жойида ўзини тутиш) ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ва бошқа ҳолатларга ойдилинлик киритиш лозимдир.

Умуман олганда, талончилик ва босқинчилик жиноятлари ёки бошқа турдаги жиноятларини олдини олишда янада такомиллаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида муайян муаммоларни бартараф этишда терговнинг муҳим ўрни мавжудлиги, шунингдек айрим инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш учун хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш мамлакат қонунчилигини ривожлантириш учун ижобий таъсир қилади.

## Иқтибослар/Сноски/References

1. В.М.Шевченко. Юридическая психология.-Москва,Юнити-Дана 2015. С 156-163. (V.M. Shevchenko. Legal psychology. - Moscow, Unity-Dana 2015. pp 156-163.)

2. Щербатов В. Ф., Мухоедов Н. А. Этапы проведения операции "Задержание вымогате- лей с поличным" // Российское законодательство и правоприменительная деятельность ор- ганов внутренних дел. Тезисы докладов межвузовской научно-практической конференции. - Ростов-на-Дону: РВШ МВД РФ, 1995. - С.91-94. (Sherbatov V.F., Mukhoedov N.A. Stages of the operation "Detention of extortionists red-handed" // Russian legislation and law enforcement activity of the internal affairs bodies. Abstracts of interuniversity scientific-practical conference. - Rostov-on-Don:

RVSh MVD RF, 1995. - pp 91-94.)

3. Г. А. Зорин. Криминалистическая методология/. - Минск, Амалфея. 2000. - с 346-348 (Фундаментальная криминалистика XXI века).(G.A. Zorin. Forensic Methodology. - Minsk: 2000. - pp 346-348 (Fundamental forensics of the XXI century.))

4. Криминалистика / Под ред. Р. С. Белкина - М.: Норма, 2000. - С. 501. 2 Белкин Р. С. Понятие и структура следственной ситуации // Криминалистика социалистических стран. - М.: Юрид. лит., 1986. - С. 69. (Kriminalistics / Ed. R. S. Belkina - М.: Norma, 2000. - P. 501. 2 Belkin R. S. The concept and structure of the investigative situation // Criminalistics of the socialist countries. - М.: Jud. lit., 1986. - pp. 69.)


# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Курбанов Маъруфжон Мамадаминович,  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия  
кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: m.qurbonov@tsul.uz

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ БОҒЛИҚ АЙРИМ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

*For citation: Kurbanov Marufjon Mamadaminovich. CRIMINAL-LEGAL ANALYSIS OF SOME CRIMES RELATED TO OBSTRUCTION OF BUSINESS ACTIVITY IN UZBEKISTAN. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 46-52*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-6>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф томонидан тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили юритилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб, хусусий мулк дахлсизлиги, рағбатлантирувчи норма, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш.

Курбанов Маъруфжон Мамадаминович,  
Преподаватель кафедры Уголовное право  
и криминалогия Ташкентского государственного  
юридического университета  
E-mail: m.qurbonov@tsul.uz

## УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ВОСПРЕпятСТВОВАНИЕМ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ

## ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор проводился уголовно-правовой анализ преступлений, связанных с воспрепятствованием, незаконному вмешательству в предпринимательскую деятельность.

**Ключевые слова:** воспрепятствования в предпринимательскую деятельность, незаконное вмешательство, неприкосновенность частного собственности, поощрительные нормы, принудительное привлечение субъектов предпринимательства к благотворительности и иным мероприятиям.

**Kurbanov Marufjon Mamadaminovich,**  
Lecturer of Criminal Law and  
Criminology Department of the Tashkent  
State University of Law  
E-mail: m.qurbonov@tsul.uz

## CRIMINAL-LEGAL ANALYSIS OF SOME CRIMES RELATED TO OBSTRUCTION OF BUSINESS ACTIVITY IN UZBEKISTAN

### ANNOTATION

In this article, the author conducted a criminal-legal analysis of crimes related to obstruction, illegal interference in business activities.

**Keywords:** obstacles to business activity, illegal interference, inviolability of private property, incentive norms, compulsory involvement of business entities to charity and other activities.

**Б**озор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолияти ўзи яратаётган ишчи ўрни ва ишлаб чиқараётган маҳсулот билан давлат ва жамият ривожига учун ҳисса қўшар экан, ўз навбатида, у ҳам ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муносиб ҳимояланишига ҳақли. Бу борада унинг ўз фаолиятини тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда мазкур соҳада муқобил текширувлар ва режадан ташқари текширувларнинг барча турлари бекор қилиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қатор лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилиши ва соддалаштирилиши ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга, шунингдек Doing Business рейтингига 146-ўриндан 76-ўринга кўтарилишига замин яратди[1].

Бироқ, бироқ тадбиркорлик фаолияти соҳасида қатор тизимли муаммолар мавжудки, уларнинг аксарияти тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш борасида назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси фаолиятида кўзга ташланмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномасида шу масала юзасидан фикр билдириб, У.Черчиллдан "баъзилар тадбиркор деганда соғин сигирни, фақат саноқли

одамларгина тадбиркор деганда оғир аравани тортаётган меҳнаткаш отни тушуниши" ҳақида иқтибос келтирган эди[2].

Хусусий мулк ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларига бўлган ёндашувнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги назорат қилувчи органлар ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишончли ҳамкорликни ўрнатишга тўсқинлик қилмоқда. Бу эса замон талабларига жавоб бермайдиган айрим ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги сабабли солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пенялар ва молиявий жарималар бўйича қарздорликлар сунъий йўл билан йиғилиб боришига ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган давлат органларининг самарасиз ва ортиқча назорат функциялари амал қилаётганлигида кўринади[3]. Ушбу ҳолат тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиниш билан боғлиқ қилмишларнинг криминализация қилиниши[4] ўз вақтида ижтимоий зарурат сифатида етилганлигини кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш (192<sup>1</sup>, 192<sup>4</sup>, 192<sup>5</sup>, 192<sup>6</sup>-модда) ҳамда улар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиниш билан боғлиқ (1922, 192<sup>3</sup>, 192<sup>8</sup>-моддалар) жиноятлар объектини тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этиши ҳамда бу жиноятлар субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси эканлигидан келиб чиқсак, бу турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини ёрқинроқ тасаввур этиш мумкин.

Юқоридаги фикрни қуйидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Яъни республикадаги жинойий ва маъмурий ишлар бўйича судлар томонидан 2016-2017 йиллар, шунингдек 2018 йилнинг биринчи чораги давомида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиниш, тўсқинлик қилиш билан боғлиқ 2 минг 358 та маъмурий ҳамда 22 та жинойий иш кўрилган[5].



Мазкур жадвалда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш боғлиқ жиноятлар



динамикаси 2016 ва 2017 йилларда анча ўсганлигини кўриш мумкин. Бироқ 2015 йилда бу кўрсаткичнинг қуйи даражасини амалдаги жиноят қонунчилигига "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар" деб номланган янги ХП<sup>1</sup>-боб билан тўлдириш назарда тутилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун[6] 2015 йил 20 августда қабул қилинганлиги билан изоҳлаш ўринли.

Фикримизча, мазкур турдаги жиноятлар субъекти махсус субъект эканлиги охириги йиллар (2018-2019 йй.)даги динамик кўрсаткичлар жиноятлар латентлиги билан боғлиқлигини тахмин қилиш имконини беради.

Жиноят қонунда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда қонунга хилоф равишда аралашиб боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг жинойий-ҳуқуқий таҳлили суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бугунги шароитида мазкур нормаларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилади.

Бизнингча, ушбу жиноятларни жиноят таркибининг объектив белгиларига кўра таҳлил қилиш қатор мунозарали ҳолатларни келтириб чиқаради. Чунки жиноят таркибини ўрганишда унинг объектив белгиларини батафсил таҳлил этиш - улар тўғрисидаги аниқ ва тўғри хулоса чиқариш имконини беради.

Жиноят объекти тушунчасини таърифлашда жинойий жазога сазовор қилмиш туфайли етказилган ёки етказиш хавфи бўлган зарарнинг моҳияти ва йўналиши тўғрисидаги масала асос қилиб олиниши кераклигидан келиб чиқиб, олимлар жиноятнинг объектини: ижтимоий муносабатлар, инсон (одамлар), инсон ҳуқуқлари, муайян ижтимоий (ҳуқуқий) манфаат ёки ижтимоий хавфсизлик [9, Б.107] деб ҳисоблайдилар. В.Диденко ушбу жиноятлар мулкий муносабатларга тажовуз қилиш натижасида юзага келишини инобатга олган ҳолда, мазкур соҳадаги жинойий тажовузлар объектини "иқтисодиёт" деган ягона тушунча асосида бирлаштириш мумкинлигини таъкидлайди[9, Б.3]. Б.Никифоров ҳам "ижтимоий муносабатларнинг махсус бўлиши биринчидан, ижтимоий муносабатлар мазмунини ташкил этувчи ижтимоий манфаатларнинг муштараклиги; иккинчидан, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг бир-бирига яқинлиги, ўхшашлиги билан белгиланади" [8, С.155], деб ёзади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги (36-модда), иқтисодиёт негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, хусусий мулкнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши ҳамда дахлсизлиги (53-модда) кафолатланган. Бу нормадан хусусий мулкка эга бўлиш ва унинг дахлсизлиги конституциявий ҳуқуқ эканлиги англашилади.

Шу жиҳатдан қаралганда ЖКнинг 192<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган хусусий мулк ҳуқуқини бузиш жиноятини жиноят объектига кўра тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган ХП<sup>1</sup>-бобда эмас, балки фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига

қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган VII бобда жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Негаки мазкур жиноят содир этилганида айбдор жабрланувчининг мулкига ҳамда хусусий мулк дахлсизлигида ифодаланадиган конституциявий ҳуқуқига тажовуз қилади. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар конкретизация қилинганлиги жиҳатидан XIII<sup>1</sup>-бобнинг сунъий кенгайтирилиши ўзини оқламайди.

Худди шундай мулоҳазани, 192<sup>9</sup> (тижоратда пора эвазига оғдириб олиш), 192<sup>10</sup> (нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 192<sup>11</sup>-моддалар (нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш)да назарда тутилган қилмишлар юзасидан билдириш мумкин. Мазкур жиноятлар моҳиятан коррупциявий жиноятлар бўлиб уларнинг XIII<sup>1</sup>-бобда эмас, балки бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган XV бобда акс этиши норманинг объектив томон белгиларига мос келади.

Навбатдаги мулоҳаза Жиноят кодексининг 192<sup>4</sup>-моддасига оид. Мазкур модда диспозициясида назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Амалиётда эса назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш эмас, балки алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан жалб этиш ҳолатлари учрамоқда.

Масалан, Андижон вилоятининг Б. туманида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Ж. туман ҳокимининг сайёр қабулида иштирок этиб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун ўзига ер ажратишни сўраб мурожаат этган. Туман ҳокими унга ер ажратиш тўғрисида қарор чиқаришга ваъда бериб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Ж.га М. маҳалла фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш учун ёрдам беришни таклиф қилади. Туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисида қарор чиқаришга ваъда берганлиги сабабли Ж. ҳомийлик қилишга рози бўлади. Аммо туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги "Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3677-сон қарори талабларига мувофиқ электрон аукцион савдоларисиз ҳамда "Қишлоққурилишлойиҳа" институтининг келишувисиз ер ажратиш тўғрисида қарор чиқариш имконияти мавжуд эмаслигини билган ҳолда Ж.га ер ажратиш тўғрисида ваъда беради. Бунда туман ҳокими Ж.нинг ҳомийликка рози бўлишига эришиш мақсадида унинг ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийликка жалб этган.

Бироқ, ушбу вазиятда мазкур жиноят нормаси диспозициясида мазкур тарздаги қилмиш учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Худди шунингдек амалдаги жиноят қонунчилигида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга зарар етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган нормада қилмишнинг

мансабдор шахс томонидан содир этилиши дифференциация қилинмаган.

Шу жиҳатдан ЖКнинг 170-моддасида назарда тутилган қилмишни назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан содир этилиши ҳолатини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиши лозим.

Кейинги масала тадбиркорлик субъекти фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддада рағбатлантирувчи норманинг белгиланганлиги билан боғлиқ.

Бундай жиноий-ҳуқуқий рағбатлантирувчи нормаларни амалга оширишнинг аҳамияти жиноий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида амал қилади. Жиноий-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиларидан бири рағбатлантирувчи нормада белгиланган хатти-ҳаракатнинг амалга ошириши сабабли ушбу юридик факт амалда бўлган жиноий-ҳуқуқий муносабат ичида бошқа - рағбатлантирувчи ҳуқуқий муносабатни юзага келтириб чиқаради [10, Б.54].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192<sup>4</sup>-моддасининг иккинчи қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги рағбатлантирувчи норма белгиланган.

Қайд этиш керакки, амалдаги жиноят қонунчилигида ушбу турдаги рағбатлантирувчи норма 14 та жиноят таркиби учун назарда тутилган. Қайси жиноятлар эканлиги ёзилади. Бироқ, 192<sup>4</sup>-моддада назарда тутилган жиноят таркибидан ташқари 13 та жиноят таркиби объектив томон хусусиятига кўра моддий таркибли жиноят, фақатгина 192<sup>4</sup>-моддада назарда тутилган қилмиш формал таркибли жиноят саналади. Чунки қилмиш назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағларини ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ушбу модда диспозициясида тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик келиб чиқишининг зарурий шarti сифатида тадбиркорлик субъектига жиддий зиён ёки муайян (анча, кўп, жуда кўп) миқдорда моддий зарар етказилган бўлиши лозимлигини белгиламаган. Лекин рағбатлантирувчи нормада етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши тўғрисида сўз бормоқда.

Шу жиҳатга кўра ЖКнинг 192<sup>4</sup>-моддасида тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш жинояти натижасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги рағбатлантирувчи норма белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Бизнинг назаримизда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда қонунга хилоф равишда аралашиб боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигига тақлиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши жиноят қонунининг қонунийлик, айб учун жавобгарлик ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалга ошириш, шунингдек мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш, ижтимоий хавфли қилмишларнинг объектини тўғри аниқлаш ва Жиноят кодекси нормаларини тартибли тизимлаштиришга хизмат қилади.

## Иқтибослар/Сноски/References

1. Ш.Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2017 йил 22 декабрдаги Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017> (Sh.Mirziyoev. Message from the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlis on December 22, 2017)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5490-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/3839746> (Decree the President of the Republic of Uzbekistan on measures for further improvement of the system of protection of rights and legal interests of entrepreneurs on July 22, 2018, #5490)
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни. <https://www.lex.uz/acts/2724496?ONDATE=21.08.2015%2000#2725462> (Law of the Republic of Uzbekistan on introducing amendments and additions to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan, aimed at further strengthening of reliable protection of private property, subjects of business, removal of obstacles for their accelerated development)
4. <http://uza.uz/oz/society/tadbirkorlik-faoliyatiga-t-s-inlik-ilganlik-uchun-zhavobgarl-13-07-2018>
5. <https://www.lex.uz/acts/2724496?ONDATE=21.08.2015%2000#2725462>
6. <https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2019/10/24/doing-business-2020-reforms-propel-uzbekistan-to-place-among-worlds-top-20-business-climate-improvers>
7. Диденко В.П. Квалификация хищений государственного или общественного имущества путем присвоения, растраты или злоупотребления служебным положением. - Киев, 2012. - С.3. (Didenko V.P. Qualification of embezzlement of state or public property by appropriation, embezzlement or abuse of official position. - Kiev, 2012. - P.3.)
8. Никифоров Б.С. Объект преступлений. - М., 2016. - С.155. (Nikiforov B.S. The object of crime. - М., 2016. - P.155.)
9. Севрюков А.П. Хищение имущества: криминологические и уголовно-правовые аспекты. - М.: Экзамен, 2014. - С. 107. (Sevryukov A.P. Theft of property: criminological and criminal-legal aspects. - М.: Examination, 2014. P. 107.)
10. Шакуров Р.Р. Ижобий хатти-ҳаракатни жиноий-ҳуқуқий рағбатлантиришининг ижтимоий шартланганлиги ва моҳияти: ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. - Б. 54. (Shakurov R.R. The social context and nature of criminal-legal incentives for positive behavior: a handbook. - Т.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2006. P.54).


# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

## 12.00.01-ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ

**Ҳайитов Шерзод Рахматуллаевич,**  
Предподаватель кафедры теории и истории  
государства и права Ташкентского  
государственного юридического университета  
E-mail: xayitov085@mail.ru

## ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТНИНГ ТАЪСИРИ ҲАМДА ЎРНИ

*For citation: Khayitov Sherzod Rakhmatullayevich. THE INFLUENCE AND ROLE OF LEGAL EXPERIMENTS IN IMPROVING LEGISLATION. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 53-57*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-7>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миллий ва хориж тажрибаси асосида ҳуқуқий эксперимент тушунчаси, тури ҳамда норма ижодкорлиги жараёнидаги ўрни ёритиб берилган. Мақолада қонун ҳуқуқий эксперимент юзасидан хулоса ва таклифлари илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Эксперимент, ҳуқуқий эксперимент, норма ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун лойиҳаси

**Ҳайитов Шерзод Рахматуллаевич,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи  
кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: xayitov085@mail.ru

## ВЛИЯНИЕ И РОЛЬ ПРАВОВЫХ ЭКСПЕРИМЕНТОВ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается роль правового эксперимента в процессе классификации и нормотворчества в свете национального и международного

опыта. В статье изложены выводы и рекомендации по правовому эксперименту.

**Ключевые слова:** Эксперимент, правовой эксперимент, нормотворчество, нормативно-правовые документы, законопроект

**Khayitov Sherzod Rakhmatullayevich,**  
Teacher of the Department of Theory  
and History State and Law  
of the Tashkent State University of Law  
E-mail: xayitov085@mail.ru

## THE INFLUENCE AND ROLE OF LEGAL EXPERIMENTS IN IMPROVING LEGISLATION

### ANNOTATION

This article describes the role of the legal experiment in the process of classification and rulemaking in the light of national and international experience. The article sets out the conclusions and recommendations for the legal experiment.

**Keywords:** Experiment, legal experiment, rulemaking, legislative acts, the bill

**Б**угунги кун нуқтаи-назаридан ҳуқуқий экспериментнинг миллий-ҳуқуқий тизимдаги аҳамиятини баҳолаш қийин вазифа бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқ воситасида тартибга солиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим воситаси ҳуқуқий экспериментдир, шу билан бирга ҳуқуқий тартибга солишда хавф-хатарларни олдини олиш учун самарали Ҳимоя восита бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий экспериментни ўтказиш қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни таъсирчанлигини ошириш, ҳуқуқий нормаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олиш ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни юридик-техник жиҳатдан мукамаллаштириш имконини беради.

Мамлакатимизда ҳуқуқий экспериментни қўллаш масаласига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Баъзи ҳолатларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўтказилаётган экспериментлар етарлича илмий асосланмаган ҳолда олиб борилмоқда. Шундай қилиб ҳуқуқий экспериментнинг илмий ишланмаларидан ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш даражаси камайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий эксперимент ҳамда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнларини бир-бирдан узоқлаштирмоқда[1]. Шу билан бирга охириги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳуқуқий ўзгаришлар илмий билишнинг муҳим методларидан бир бўлган ҳуқуқий экспериментга бўлган эҳтиёжни янада кўпроқ талаб қилади.

Ҳуқуқий эксперимент ижтимоий экспериментнинг бир тури сифатида асосий хусусиятларидан бири бўлиб, уни ўтказиш жараёнида муайян экспериментал ҳуқуқий норманинг самарадорлиги масаласи уларни чекланган миқёсда қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида кўриб чиқилади. Фанда ҳуқуқий эксперимент илмий билиш ва амалиётнинг бирлиги, ягоналиги вазифсини ўтайди. Илмий амалиётнинг шаклларида бири сифатида экспериментнинг ўрни жамятда назарий билимларни амалиётга кўчиришда асосий рол ўйнаши талаб қилинади.

Бу нафақат табиий фанлар учун, балки ижтимоий фанлар учун ҳам муҳимдир. Жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳамда уни бошқариш нуқтаи-назаридан илмий асосланган қарор қабул қилишда экспериментнинг ўрни жуда муҳимдир.

Ҳуқуқий экспериментни ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини муҳим таркибий қисмига айланиши табиий жараён сифатида қаралиш лозимдир. Шундай қилиб, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда уни ҳар томонлама жиддий экспериментал илмий текширув асосида амлага ошириш талаб қилинади. Бироқ, амалиётда норма ижодкорлиги жараёнида қабул қилинаётган қонунланни самарадорлигини ошириш учун юридик фанлардага имкониятлардан етарлича фойдаланаётгани йўқ.

Юридик фанларнинг муҳим вазифаларидан бири - бу ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқ ижодкорлиги ва давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётига энг мақбул ҳамда самарали йўллари топиш бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш муаммосини ҳал қилишда фан ва амалиётда турли хил усул ва воситалар қўлланилади, уларнинг орасида ҳуқуқий эксперимент алоҳида аҳамиятга эгадир.

Айни вақтда ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда экспериментни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар илмий таҳлиллар асосида баъзи бир тажрибага эга деб қаралади. Ҳуқуқий эксперимент усуллари ва методлари, экспериментал тадқиқот натижаларига бағишланган илмий нашрларлар кўпаймоқда. Ҳуқуқий эксперимент - бу бирор-бир ҳуқуқий қонун (алоҳида нормаларни, тўлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки қонунчиликдаги ислоҳотларни в.б.) ҳолатини самарадорлигини олдиндан текшириб кўриш, дастлабки синовдир.

Ҳуқуқий экспериментни қўллаш қуйидаги ҳолатларда кўпроқ эҳтиёж мавжуд: Иқтисодий имтиёз ва рағбатларни жорий этиш, меҳнат муносабатлари ва иш ҳақини ўзгартириш, жавобгарлик асослари ва турларини тубдан ўзгартириш ва б.

Қонун ижодкори томонидан махсус тартибга солишни талаб этадиган муаммоли ҳолатлар учун энг мақбул ва иқтисодий жиҳатдан самарали ечими бу - ҳуқуқий эксперимент бўлиб ҳисобланади.

Барча ҳолатларда экспериментал норма вақтинчалик бўлиб, унинг қўлланиш доираси олдиндан белгиланган ҳудуд, вақт билан чекланади, бундан ташқари, бундай нормалар эксперимент ўтказиш жараёнида ҳам, шунингдек норма ижодкорлигининг кейинги босқичларида ҳам сезиларли даражада ўзгариб кетиши мумкин.

Ҳуқуқий эксперимент юзасидан турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, юристлар билан бирга философ ва иқтисодчиларнинг ҳам кўплаб фикрлари учраб туради. Никитинский В.И ва Самощенко И.С "Ҳуқуқий эксперимент ва қонунчиликни такомиллаштириш" номли китобларида "ҳар қандай ижтимоий тажрибани ҳуқуқий эксперимент деб қараш керак, бунда эксперимент омили сифатида амалдаги қонунчилик талабларидан бошқачароқ талаб ва тартиб экспериментал норма сифатида қаралаётган бўлса". [2]. Бабаев В.К ўзининг "Ҳуқуқнинг умумий назарияси луғати"да ҳуқуқий экспериментни "ижодкори томонидан синов қилинаётган янги нормалар ёки ҳужжатлар чекланган миқёсда уларнинг самарадорлигини синаб кўриш ва келгусида умумий таъсирга эга бўлган ҳуқуқий қарорларни қабул қилиш учун мақбул вариантларни ишлаб чиқиш учун ташкил этилишини" таъкидлаб ўтган. [3].

Умуман эксперимент ўтказишга қандай талаблар мавжуд? Шундай қилиб

эксперимент ўтказишнинг қуйидгича ўзига хос талаблари мавжуд:

1) эксперимент ўтказишнинг аниқ вақти ва ҳудуди олдиндан белгилаб олинishi лозим; 2) аниқ тушунча ва мақсадга эга бўлиши; 3) аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракат ва тадбирлар доираси, қандай маълумотлар тўпланиши кераклигини белгилаш; 4) эксперимент доирасида қўлланиладиган воситалар ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини кўрсатиш керак. Экспериментни ўтказиш нима учун, қайси мақсадда ўтказилаётганлиги аниқ белгилаб олинishi керак. Энг муҳими ҳар қандай экспериментни ўтказиш, унинг натижалари учун жавобгар бўлган маъсул шахс белгиланиш талаб қилинади.

Охирги йилларда мамлакатимизда қуйидаги ҳуқуқий экспериментлар ўтказилди ёки ўтказилмоқда;

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги фармойишига кўра мамлакатимизнинг Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказилди:

2) Президентнинг хусусий мулкни ҳамоя қилиш бўйича фармонига кўра, 2020 йил 1 февралга қадар Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришни апробация қилиш бўйича қуйидаги мақсадларда ҳуқуқий эксперимент ўтказилади:

3) Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2019 йил 7 ноябрь куни имзоланган "Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида"ги ЎРҚ-581-сон қонунга биноан 2020 йил 1 майгача Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида, Жиззах ва Марғилон шаҳарларида кўп квартирали уйларни бошқаришда ушбу Қонун нормаларини апробация қилиш юзасидан ҳуқуқий эксперимент ўтказилади. Ушбу Қонун 2020 йил 1 августдан эътиборан кучга киради.

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг.2018 йил 17 августда "Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги Пф-5515 Фармонига биноан ҳуқуқий эксперимент ўтказилади;

5) Президентимизнинг 2018 йил 11 октябрдаги давлат активларини хусусий мулкка бериш тартибини янада соддалаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар яратишга доир фармонига асосан ўзига хос эксперимент жорий этилди. Энг муҳими, мазкур экспериментнинг қисқа вақт ичида кўрсатган ижобий натижаси ҳамда кўплаб тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган таклифга мувофиқ, Президентимизнинг 2019 йил 19 февралдаги "Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан ушбу эксперимент 2020 йил 1 январга қадар узайтирилди[4].

Умуман олганда охирги йилларда ҳуқуқий эксперимент назарияси, илм-фан анча одинга силжимоқда шу билан бирга ҳуқуқий эксперимент муаммоларига оид илмий ишланмалар амалиётдан орқада қолмоқда. Мамлакатимида ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи аниқ бир ҳуқуқий ҳужжат йўқ, шунингдек натижаларни объектив экспертизасини ҳамда хулосаларни таъминлаш учун аниқ тавсиялар усуллар мавжуд эмас.

Шундай қилиб, ҳуқуқий эксперимент ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим восита бўлиб, ижтимоий-иқтисодий соҳада жиддий салбий



оқибатлар олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни олдини олиш, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда энг маъқул, истиқболли вариантни танлашга имкон беради, бу эса ўз навбатида қонунчилик тизимининг турли элементларини модернизатция қилишда муҳимдир.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Лапаева В.В. Социологическое обеспечение законотворчества: Дисс.....докт. юрид. наук. М., 1993 (Lapaeva V.V. Sociological support of lawmaking: Diss ..... Doct. legal sciences. М., 1993).

2. Правовой эксперимент и совершенствование законодательства под ред. Никитинского В.И. и Самощенко И .С - М.: Юридическая литература, 1988.- 7 с (Legal experiment and improvement of legislation, ed. Nikitinsky V.I. and Samoshchenko I.S. - М .: Legal literature, 1988.- 7 p).

3. Словарь категорий и понятий по теории права под ред. Бабаева В.К. Баранова В.М.: Нижний Новгород, 1992.- 17 с (Dictionary of Categories and Concepts in Theory of Law, Ed. Babaeva V.K. Baranova V.M .: Nizhny Novgorod, 1992 - 17 p).

4. (<http://davaktiv.uz/uz/yangiliklar/asset-news/4628-eksperiment-zini-o-ladi>)

---

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

---

**12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

---


**Таджибаева Альбина Юлдашбаевна,**  
Преподаватель кафедры Уголовное  
право и криминология Ташкентского  
государственного юридического университета,  
Кандидат юридических наук  
E-mail: albinatadzibaeva616@gmail.ru

## **ФУНКЦИИ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА КАК НАПРАВЛЕНИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

---

*For citation: Tadjibayeva Albina Yuldashbaevna. FUNCTIONS OF THE CRIMINAL PROCESS AS A DIRECTION OF PROCEDURAL ACTIVITY. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 58-65*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-8>

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются уголовно-процессуальные функции как фундаментальные основы уголовного процесса. Также, рассматривается понятие функции, их взаимодействие (соотношение), теоретическое и практическое воплощение. Выделение в уголовно-процессуальном праве функций происходит в соответствии с конкретными задачами процессуальной деятельности и в рамках единого замысла. Сделан вывод, что под функцией уголовного процесса следует понимать свойство системы уголовного судопроизводства, обеспечивающее реализацию основных направлений деятельности, осуществляемых участниками процесса в соответствии с их ролью и назначением в сфере уголовного судопроизводства. Функции, определяющие вид деятельности, и решаемые при этом задачи тесно взаимосвязаны.

**Ключевые слова:** уголовно-процессуальные функции, уголовное судопроизводство, полномочия, обвинение, защита, суд, прокурор, органы расследования, адвокат.

---

**Tadjibayeva Albina Yuldashbaevna,**  
Lecturer of Criminal Law  
and Criminology Department  
of the Tashkent State University of Law,  
PhD in law  
E-mail: albinatadzibaeva616@gmail.ru

## FUNCTIONS OF THE CRIMINAL PROCESS AS A DIRECTION OF PROCEDURAL ACTIVITY

### ABSTRACT

This article discusses the criminal procedure functions as the fundamental basis of the criminal process. Also, the concept of a function, their interaction (ratio), theoretical and practical implementation is considered. The allocation in criminal procedure law of functions takes place in accordance with the specific objectives of the procedural activity and within the framework of a single plan. It is concluded that the function of the criminal process should be understood as the property of the criminal justice system that ensures the implementation of the main activities carried out by the participants in the process in accordance with their role and purpose in the field of criminal proceedings. The functions that determine the type of activity and the tasks to be solved are closely interconnected. However, in the criminal procedure law there is no clear definition of the functional tasks of the bodies and officials involved in the application of substantive and procedural law.

**Keywords:** criminal procedural functions, criminal proceedings, authority, prosecution, defense, court, prosecutor, investigation authorities, lawyer.

**Таджибаева Альбина Юлдашбаевна,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят ҳуқуқи ва криминология  
кафедраси ўқитувчиси,  
юридик фанлар номзоди  
E-mail: albinatadzibaeva616@gmail.ru

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ФУНКЦИЯЛАРИ - ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ СИФАТИДА

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жиноят процессуал функциялар жиноят процессининг фундаментал асоси сифатидаги ўрни кўриб чиқилган. Шунингдек функцияларнинг тушунчаси, жиноят процессидаги роли ва уларнинг ўзаро муносабати (нисбати), ҳамда назарий ва амалий жиҳатдан мужассамлашуви муаммоси ҳам ўрганилган. Жиноят процессининг функцияларини бугунги кундаги ҳолати, уларнинг ташкилий жиҳатдан қайси давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилганлиги, ушбу ваколатлар шу органлар ва мансабдор шахслар томонидан қай даражада ва қандай амалга оширилаётганлигини таҳлил қилинган.

**Ключевые слова:** жиноят процессуал функциялар, одил судлов, ваколат, айблов,

оқлов, ҳимоя, суд, прокурор, тергов органлари, адвокат.

Реформы проведенные за последние годы позволили создать прочную основу суверенитета, обеспечения безопасности и правопорядка, верховенства закона, прав и свобод человека, условий достойной жизни для населения и реализации созидательного потенциала граждан.

Вместе с тем, в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" среди приоритетных направлений развития деятельности судебно-правовой системы и определены "...совершенствование и либерализация норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства дальнейшее укрепление законности и обеспечение прав и свобод граждан, четкого распределения задач и функций правоохранительных органов, устранения параллелизма и др." [1, С.70].

Следует отметить, что за последние годы в Узбекистане большое значение придается реформированию уголовного процесса, более точного определения функций каждого участника этого процесса. Несмотря на то, что процессуальная функция каждого из участников уголовного процесса важна, остаются актуальными проблемами современного уголовного процесса.

Процессуальная функция является понятием частным по отношению к уголовному процессу, так как она является одной из направлений деятельности компетентных органов и лиц по осуществлению задач, предусмотренных ст. 2 УПК Республики Узбекистан. В то же время это понятие общее по отношению к отдельным процессуальным действиям и решениям, так как функция это единство и совокупность процессуальных действий и решений.

Понятие процессуальной функции следует распространять не на любой, а лишь на основные виды процессуальной деятельности - "основные функции" (например, правосудие, обвинение, защита и т. п.). Конечно, функцией в буквальном смысле этого слова можно назвать любой вид процессуальной деятельности: производство экспертизы, перевод материалов дела, ведение протокола судебного заседания и т. п. Однако распространение понятия процессуальной функции на такого рода действия лишило бы это понятие самостоятельного процессуально-правового содержания, сделало бы его равнозначным понятию процессуального действия.

Выделение в уголовно-процессуальном праве функций происходит в соответствии с конкретными задачами процессуальной деятельности и в рамках единого замысла. Кроме того, функции должны отвечать следующим требованиям:

- а) функции должны иметь объективный характер;
- б) функции должны проявляться во всех институтах уголовного процесса, то есть находить свое выражение применительно ко всем стадиям уголовного процесса;
- в) уровень реализации функций должен быть таким, который исключает отношения между ними как часть к целому (не входит одна в другую).

Профессор Г.Абдумажидов высказывал мнение о том, что "...смысл использования понятия процессуальной функции заключается в том, чтобы выделить и раскрыть все основные стороны процессуальной деятельности, познать ее структуру. Если при этой аналитической операции какое-то направление процессуальной деятельности оказывается за пределами процессуальных функций,

то это свидетельствует о том, что система функций определена неверно" [2, С.22].

На основе вышесказанного можно определить, что процессуальной функцией является деятельность, непосредственно направленная на достижение задач, предусмотренные ст. 2 УПК Республики Узбекистан в целом или в той или иной части, и деятельность по защите своих интересов в исследовании тех вопросов, разрешение которых входит в эти задачи.

Исходя из этого процессуальные функции обладают несколькими признаками. Характеризуя процессуальную функцию как деятельность, недостаточно указать, что она служит осуществлению задач уголовного судопроизводства. Необходимо подчеркнуть, что она непосредственно направлена на их достижение, имея в виду следующие два момента. Во-первых, процессуальная функция - вид процессуальной деятельности, имеющей целью выяснение таких вопросов (в возможных для данной стадии пределах), разрешение которых входит в задачу уголовного процесса, сформулированные законом.

Вместе с тем, нельзя относить к процессуальным функциям следственные действия по собиранию и проверке доказательств или принятие решения о привлечении в качестве обвиняемого либо об избрании меры пресечения.

Следует отметить, что процессуальная функция осуществляется компетентными органами и лицами в предусмотренных законом процессуальных формах и предусмотренными законом процессуальными способами. Процессуальные функции выполняются одними (судом, прокурором, органами расследования и защитником) во исполнение процессуальных задач, возложенных обязанностей, т. е. в соответствии с процессуальным назначением; другими (обвиняемым, потерпевшим) - в обеспечение своих интересов и в силу предоставленных им процессуальных прав, которыми они могут воспользоваться или не воспользоваться по своему усмотрению. Одна и та же процессуальная функция может выполняться несколькими органами и лицами. Так, обвинение вправе осуществлять прокурор, общественный обвинитель, потерпевший, а защиту - не только защитник.

В то же время процессуальная функция того или иного органа или лица, участвующего в процессе - это деятельность, подлежащая исполнению данным органом или лицом, его основная процессуальная обязанность, процессуальное назначение.

Вместе с тем, право участника процесса осуществлять соответствующую деятельность еще не означает, что процессуальной функцией данного участника процесса служит этот вид процессуальной деятельности. Обвиняемый вправе лично осуществлять защиту, независимо от того, прибегнул ли он к помощи защитника или нет. Но, если обвиняемый не использовал функцию защиты для обеспечения своих интересов, то это не значит, что он не выполнил свои функции в процессе.

Следует признать, что вопрос об уголовно-процессуальных функциях в теории уголовного процесса является одним из наиболее важных. Так, З.З.Зинатуллин, Т.З.Зинатуллин говорят о том, что "Проблема уголовно-процессуальных функций относится к категории тех, коим уделять внимание необходимо не от случая к случаю, а каждодневно, постоянно, непрерывно" [4, С.11]. Вместе с тем эту проблему можно смело отнести к числу наиболее спорных. П.А.Лупинская в свою очередь отмечает, что "Несмотря на обилие публикаций нет обоснованного единого мнения о характере функций судопроизводства" [5, С.11].

В течение длительного времени в науке уголовного процесса господствовала

концепция трех функций: обвинения, защиты и разрешения дела. Корни ее уходят в представление об уголовном процессе как о равнобедренном треугольнике, в основании которого находятся равноправные, состязавшиеся между собой стороны обвинения и защиты, а вершиной является суд, разрешающий дело в результате объективной и беспристрастной оценки состязания сторон. На определенном этапе развития теории уголовного процесса эта концепция была значительным достижением в научном осмыслении уголовно-процессуальной деятельности, поскольку она способствовала теоретическому обоснованию таких важных положений уголовно-процессуального права, как разделение функций обвинения, защиты и правосудия, равноправие сторон в исследовании обстоятельств дела и в отстаивании своих позиций, активность суда, его независимое положение по отношению к сторонам.

Д.М. Миразов развивая учение о процессуальных функциях, проблему функций увязывал не только с разделением труда между сторонами уголовного процесса, но и стоящими перед правосудием целями [6, С. 41].

Л.Б. Алексеева отмечает "Роль суда сводится к разрешению уголовного иска, предъявленного обвинителем как стороной процесса и оспариваемого подсудимым (его представителем) как участников другой, противоположной стороны уголовного процесса" [9, С. 41]. Здесь автором достаточно четко выделяются три процессуальные функции: обвинение, именуемое уголовным иском; защита от обвинения (защита от уголовного иска); разрешение уголовного иска по существу.

М.С. Строгович под уголовно-процессуальными функциями понимает "отдельные виды, отдельные направления уголовно-процессуальной деятельности". По его мнению, в уголовном процессе существуют три основные уголовно-процессуальные функции: 1) обвинение (уголовное преследование), 2) защита, 3) разрешение дела [13].

О.Я. Мотовиловкер утверждал, что именно в уголовном процессе, который не мыслим без обвинения, защиты и разрешения дела, существует специфическая проблема размежевания их и разграничения потому, что до сих пор не удается решить вопросы: что такое уголовно-процессуальная функция; сколько их; кто их осуществляет [7].

"Поскольку теория трех основных процессуальных функций не в полной мере отражает содержание уголовно-процессуальной деятельности, где каждый участник процесса выполняет определенную функцию и действует в определенном направлении, предусмотренном законом, - отмечал М.Л. Якуб, - предприняты попытки сконструировать более широкую систему процессуальных функций" [8].

Л.Б. Алексеева, анализируя проблему уголовно-процессуальных функций, вполне обоснованно пишет: "Функциональная структура уголовно-процессуальной деятельности не может ограничиваться анализом трех традиционной выделяемых процессуальных функций, необходимо обратить внимание на два непреложных методологических правила, которые следует соблюдать при функциональном анализе уголовно-процессуальной деятельности: а) анализу функций должен предшествовать тщательный анализ задач и целей уголовного судопроизводства, поскольку каждая функция прямо или косвенно, непосредственно или опосредованно вытекает из задачи целей процесса; б) в любой выделенной системе функций должна четко просматриваться связь между ними, поскольку функции всегда взаимосвязаны"

Результатом применения новых методов стало выделение учеными-

процессуалистами других функций, выходящих за рамки названной выше концепции. Так, Р. Д. Рахунов к этим трем функциям присоединил функции расследования дела, поддержания гражданского иска и защиты от гражданского иска [10]. П. С. Элькинд обосновала наличие в уголовном процессе семи функций: установления и проверки данных относительно преступлений, их расследования; обвинения; прокурорского надзора за соблюдением законности; защиты от обвинения; судебного рассмотрения и разрешения уголовного дела; вспомогательной функции, включающей в себя действия лиц, так или иначе содействующих осуществлению и судебных действий; побочной функции - деятельности гражданского истца [11]. В. Г. Даев выделял также функции: 1) расследования уголовного дела; 2) прокурорского надзора за соблюдением законности в ходе уголовного судопроизводства; 3) защиту личных процессуальных интересов; 4) оказания содействия в ходе уголовного судопроизводства [12]. Кроме того, некоторые процессуалисты указывали и на наличие и таких функций, как надзор вышестоящих судебных органов за судебной деятельностью нижестоящих судов, предупреждение преступности и искоренение ее причин, воспитание граждан в духе неуклонного исполнения законов и уважения правил социалистического общества.

З.Иногомжонова рассматривает три функции: а) обвинительную; б) защиты; в) процессуального руководства и разрешения вопросов, возникающих в соответствующих стадиях уголовного процесса [3, 29-33]. По ее мнению эти три процессуальные функции лишь основные, первостепенные, но ими не исчерпывается все функциональное многообразие уголовно-процессуальной деятельности. Поэтому наряду с основными функциями действуют и другие процессуальные функции.

Б.Х.Пулатов предлагал делить процессуальные функции на общие и частные, то есть на функции, реализующиеся на всем протяжении уголовного процесса, и функции, осуществляющиеся в одной или нескольких стадиях процесса. Следует отметить, что авторы расходятся как в названиях, так и в количестве функций. В частности, к трем основным функциям добавляется: 1) расследование дела; 2) поддержание гражданского иска; 3) защита от гражданского иска.

Существуют варианты, когда к этим "дополнительным" функциям причисляется еще целый ряд "побочных" (для удобства продолжим нумерацию): 4) прокурорский надзор; 5) установление, проверка данных относительно преступлений; 6) судебное рассмотрение и разрешение уголовного дела; 7) действия свидетелей, экспертов и других лиц, так или иначе содействующих осуществлению следственных и судебных действий; 8) надзор вышестоящих судебных органов за судебной деятельностью нижестоящих судов).

Наконец, были предложения, чтобы к числу процессуальных функций отнести: 9) предупреждение преступлений и искоренение их причин; 10) привлечение общественности к борьбе с преступностью; 11) воспитание граждан в духе неуклонного исполнения законов и уважения правил социалистического общежития; 12) обеспечение возмещения причиненного преступлением материального ущерба.

Последующие классификационные варианты отличались только редакцией названий процессуальных функций. При этом разворачиваются "внутриклассификационные" споры по поводу, например, того, что представляет собой та или иная "вспомогательная функция". Как правило, та или иная

классификация процессуальных функций не имеет оснований того, что же конкретно положено в основу такой классификации.

Обилие точек зрения на количество и классификацию уголовно-процессуальных функций объяснялось, отчасти, тем, что уголовно-процессуальные функции не были закреплены законодательно, и это оставляло широкий простор для различного понимания в теории как самого понятия уголовно-процессуальной функции, так и их количества и классификации.

В заключении необходимо отметить, что поскольку теория трех основных процессуальных функций не в полной мере отражает содержание уголовно-процессуальной деятельности, где каждый участник процесса выполняет определенную функцию и действует в определенном направлении, предусмотренном законом, предприняты попытки сконструировать более широкую систему процессуальных функций. Таким образом основными процессуальными функциями являются три ключевые функции: функцию защиты, обвинения и правосудия.

### Сноски/References/Иқтибослар

1. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70. (1. Meeting of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, № 6, P 70.)
2. Абдумажидов Ф.А. Справедливость как философская, этическая и правовая категория // Методологические проблемы права. Академия МВД РУ. -Т.: 1995. - С. 22. (Abdumajidov G.A. Justice as a philosophical, ethical and legal category // Methodological problems of law. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. -Т. 1995. -Р. 22).
3. Иногомжонова З.Ф. Жиноят процесси. Умумий қисм. -Т., 2004. - Б.29-33. (Inogomjonova Z.F. Criminal procedure. A common part. - Т., 2004. - P.29-33.)
4. Зинатуллин З.З., Зинатуллин Т.З. Уголовно-процессуальные функции. Ижевск, 2002, С. 11. (Zinatullin Z.Z., Zinatullin T.Z. Criminal procedure functions. Ijevsk, 2002, P. 11. )
5. Лупинская П.А. Уголовный процесс. - М.: "Юрист", 1995. -С.49-53. (Lupinskaya P.A. Criminal procedure. - М.: "Lawyer", 1995. -P.49-53).
6. Миразов Д.М. Жиноят процесси назариясининг ҳолати ва ривожланиши // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси. (Mirazov D.M. The state and development of the theory of the criminal procedure. // Bulletin of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan 2017. №1. -P. 41-52).
7. Мотовиловкер Я.О. Основные уголовно-процессуальные функции. Ярославль, 1996. (Motovilovker Ya.O. Basic criminal procedure functions. Yaroslavl, 1996).
8. Якуб М.Л. О понятии процессуальной функции в советском уголовном судопроизводстве //Правоведение. -1999. - № 5. (Yakub M.L. On the concept of a procedural function in Soviet criminal proceedings // Jurisprudence. -1999. - № 5).
9. Алексеева Л.Б. Уголовно-процессуальные функции// Курс уголовного процесса. Общая часть/ под ред. Бойкова А.Д., Карпеца И.И., М., 1999, с. 423. (Alekseeva L.B. Criminal Procedure Functions // Criminal Procedure Course. General Part / Ed. Boykova A.D., Karpets I.I., М., 1999, p. 423).
10. Рахунов Р.Д. Участники уголовно-процессуальной деятельности. М., 2009.(Rakhunov R.D.Participants in the criminal procedure.М., 2009).
11. Элькин П.С. Сущность советского уголовно-процессуального права.



Л., 1967, с.60-61 (Elkind P.S. The essence of Soviet criminal procedure law. L., 1967, P. 60-61).

12. Даев В.Г. Процессуальные функции и принцип состязательности в уголовном судопроизводстве // Правоведение. - 1994. - №1 (Daev V.G. Procedural functions and the principle of competition in criminal proceedings // Jurisprudence. - 1994. - № 1.) Строгович М. С. Курс сов. уголовного процесса. Т. 1. М., 1968. (Strogovich M.S. Course Sov. criminal process. Т. 1.М., 1968).

13. Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. -Т., 2014. - Б.39-47 (Pulatov B.Kh. Prosecutor supervision. Textbook. -Т., 2014. - P.39-47).


# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли,  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика  
кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: hamidov-2018@list.ru

## ОДАМ САВДОСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

*For citation: Khamidov Nurmukhammad Orif ugli. THE CONCEPT OF HUMAN TRAFFICKING AND ITS SOCIAL DANGER. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 66-74*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-9>

### АННОТАЦИЯ

Одам савдоси кенг тарқалган жиноят бўлиб, дунёда мавжуд барча мамлакатларда содир этилади. Бу орқали инсон деб аталмиш мавжудоднинг эркинлиги чекланади, шаъни ва қадр-қиммати топталади. Шу туфайли одам савдоси жиноятини аниқлаш, ушбу жиноятни содир этганларни жиноий жавобгарликка тортиш орқали жазонинг муқаррарлигини кўрсатиш, уни олдини олиш, оқибатларини имкон қадар камайтириш, одам савдосидан жабрланганларга нисбатан профилактик чораларни кўриш зарур ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** инсон, одам савдоси, жиноят, хавф, кодекс, эксплуатация, трансмиллийлик.

Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф угли,  
Преподаватель кафедры  
Уголовно-процессуального права  
и криминалистики Ташкентского  
государственного юридического университета  
E-mail: hamidov-2018@list.ru

## КОНЦЕПЦИЯ ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ И ЕЕ СОЦИАЛЬНАЯ ОПАСНОСТЬ

### АННОТАЦИЯ

Торговля людьми является распространенным преступлением и имеет место во всех странах мира. Этим ограничена земля так называемого существования человека, поправа чести чести. В связи с этим необходимо выявить преступление торговли людьми, показать неотвратимость наказания путем привлечения виновных в этом преступлении к уголовной ответственности, предотвратить его, максимально снизить последствия, принять превентивные меры в отношении жертв торговли людьми.

**Ключевые слова:** человек, торговля людьми, преступность, опасность, кодекс, эксплуатация, транснациональность.

**Khamidov Nurmukhammad Orif ugli,**  
Lecturer of Criminal Procedure Law  
and Criminalistics Department of  
the Tashkent State University of Law  
E-mail: hamidov-2018@list.ru

## THE CONCEPT OF HUMAN TRAFFICKING AND ITS SOCIAL DANGER

### ANNOTATION

Human trafficking is a common crime and occurs in all countries of the world. This limits the land of the so-called existence of man, tramples the honor of honor. In this regard, it is necessary to identify the crime of trafficking in human beings, to show the inevitability of punishment by bringing the perpetrators of this crime to criminal responsibility, to prevent it, to minimize the consequences, to take preventive measures against victims of trafficking in human beings.

**Keywords:** human, human trafficking, crime, danger, code, exploitation, transnationality.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" дейилган. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат муҳофазасида эkanлиги белгилаб берилган.

Ўзбекистонда одамлардан қонунга хилоф тарзда фойдаланишга, уларнинг ғайриқонуний меҳнат миграциясига ва одам савдосига қарши кураш юзасидан давлатимиз томонидан тадбирлар, аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аммо, бугунг кунда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган уюшган трансмиллий жиноятчилик кўринишларидан бири, одамлардан қонунга хилоф тарзда фойдаланиш ва одам савдосидир[1].

Мазкур муаммо кўпқиррали бўлиб унинг ечимини топиш кўп қиррали ёндашувни талаб қилади. Одамлардан халқаро миқёсда фойдаланиш учун уларни ёллаш, яъни одам савдоси деб аталадиган бу жиноят ҳам қурол-яроғ ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан боғлиқ сердаромад жиноятларга

ўхшаш бўлиб, бу борадаги уюшган жиноий фаолият мўмай даромад келтириши, амалга ошириш усуллари эса ўта махфий ва хавфли эканлиги билан ажралиб туради.

Шу ўринда ҳуқуқшунос А.Шарофутдиновнинг ушбу жиноятларни содир этилиш нафақат бир шахнинг шаъни ва қадр-қимматини поймол қилади, балки у давлатимизни халқаро миқёсида обрў-эътиборига ҳам катта путур етказди.[2] деган фикрларига қўшиламиз.

Таъкидлаш жоизки, одам савдоси - бугунги кунда энг катта глобал муаммолардан биридир. Ҳуқуқшунос М.А.Ражабованинг фикрича, ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури "мерос" бўлиб ўтди, улар терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳи куч ишлатиш, яъни эстремистик, фундаменталисти, сепаратистик хуружлар туради. Кейингиси эса наркобизнес ва энг сўнггиси одам савдоси, траффик билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотлардир[3].

Одам савдоси кенг тарқалган жиноят бўлиб, дунёда мавжуд барча мамлакатларда содир этилади. Сабаби ушбу жиноят туфайли дунёда даромади юзасидан учунчи ўринни эгаллайдиган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилади. Бу орқали инсон деб аталмиш мавжудоднинг эркинлиги чекланади, шаъни қадр -қиммати топталади. Шу туфайли одам савдоси жиноятини аниқлаш, ушбу жиноятни содир этганларни жиноий жавобгарликка тортиш орқали жазонинг муқаррарлигини кўрсатиш, уни олдини олиш, оқибатларини имкон қадар камайтириш, одам савдосидан жабрланганларга нисбатан профилактик чораларни кўриш зарур ҳисобланади.

Одам савдоси жиноий фаолиятнинг ўта хавфли ва шахсни таҳқирловчи туридир. Таҳқирланиш шунда намоеън бўладигани, мазкур жиноят қулликка ўхшаш шаклларда содир қилинади. Бундан ташқари, инсонни эксплуатация қилиш, "товар" сифатида сотиш, инсон омилидан фойдаланиш йўли билан даромад орттириш билан боғлиқлиги сабабли таҳқирловчи мазмун касб этади.

Бундай фаолиятнинг инглиз тилидаги номи дунёнинг кўп тилларига ўзгаришсиз ўтиб келган. Хусусан, халқаро жиноят ҳуқуқида жиноий фаолиятнинг бу турига нисбатан "траффик" атамаси ишлатилади. Аслида, "Траффик" лотин тилидаги "traffico" сўзидан олинган бўлиб, дастлаб уни италияликлар муомалага киритган. "Траффико"- италянча "тижорат", "савдо" маъносида ишлатилган[4]. Дастлаб бу атама "табак траффик" шаклида қўлланилиб, тамаки савдоси, тамаки билан тижорат қилиш маъносида ишлатилган. Кейинчалик италияликлар уни қисқача "траффик" деб аташган. Дарҳақиқат, шу сўз ўзаги асосида траффикант, яъни савдо қиладиган дўкон эгаси, дўкондор сўзи келиб чиққан[5].

Одам савдоси тушунчасига таъриф ва ушбу жиноят учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 135-моддасида берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги таҳрирда берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 135-моддаси аввалги таҳририда фақат эксплуатация қилиш мақсадида алдаш йўли билан одам ёллаш учун жавобгарлик назарда тутилиб, унда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда зикр қилинган одамлар савдоси билан боғлиқ бўлган жиноий қилмишлар комплекси қамраб олинмаган эди. Бу ҳол амалда фуқаролар эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини тўлиқ муҳофаза қилинишини таъминлай олмас эди. Бундан ташқари, фоҳишаларни эксплуатация қилиш мақсадида амалга ошириладиган одам савдоси тўғрисидаги

БМТнинг 1949 йилги Конвенциясидан фарқли равишда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси янги таҳририда одамларни ҳар қандай мақсадда эксплуатация қилганлик учун аниқ жавобгарлик назарда тутилди[6].

Новый УК РТ (1998 г.) в ст. 305 с учетом изменений в политической и экономической сферах государства, измену государству охарактеризовал как шпионаж, выдача государственной тайны либо иное оказание помощи иностранному государству, иностранной организации или их представителям в проведении враждебной деятельности, если эти действия направлены в ущерб суверенитету, территориальной неприкосновенности, обороноспособности или внешней безопасности Республики Таджикистан, совершенная гражданином Республики Таджикистан.

Если в УК Таджикской ССР 1961 г., объективная сторона состояла из а) переход на сторону врага; б) шпионаж (двух видов); в) выдачу государственной или военной тайны иностранному государству; г) бегство за границу; д) отказ возвратиться из-за границы в СССР; е) оказание иностранному государству помощи в проведении враждебной деятельности против СССР; ё) заговор с целью захвата власти, то объективная сторона ст. 305 УК РТ выражается в трех формах:

- шпионаж;

- выдача государственной тайны;
- иное оказание помощи иностранному государству, иностранной организации или их представителям в проведении враждебной деятельности.

В практике Российской Федерации после проведенной реформы уголовного закона (2012 г.) появилась новая форма государственной измены - это оказание финансовой, материально-технической, консультационной или иной помощи иностранному государству, международной либо иностранной организации или их представителям в деятельности, направленной против безопасности РФ.

В теории уголовного права существуют точки зрения, согласно которым между понятиями "передача" и "выдача государственной тайны" существуют определенные разногласия. Многие исследователи убедительно поддерживают мнение, согласно которой термины "передача" и "выдача" являются синонимами, так как в обоих случаях речь идет о сообщении государственной тайны одним и тем же "адресатом". Так, существительное "передача" является производным от глаголов "передать" - "передавать". Согласно словарям русского языка, они означают "отдать", "вручать", "сообщать кому-нибудь", "распространять", "довести до кого-нибудь", "воспроизвести", "изложить", "изобразить", "рассказать что-либо, узнанное от кого-либо другого", "переслать", "направить в другой адрес".[5] В ст. 305 УК РФ (ст. 275 УК РФ) выдача государственной тайны выражается в действиях, связанных с передачей адресатом (иностранное государства, иностранные организации или их представители) указанных сведений лицом, которому они были доверены по службе или работе либо стали известны иным путем, за исключением их собирания либо похищения. В этом состоит отличие выдачи государственной тайны от шпионажа, при котором передаются либо хранятся с целью передачи сведения, которыми лицо не располагает по службе (работе), пишет С.В. Дьяков[6]. Кроме этого, при выдаче государственной тайны виновник предварительно не собирает или не похищает информации, являющейся специально охраняемыми тайнами, эти информации в его распоряжение было доверены по силе служебного положения.

А.В. Наумов и А.Е. Беляев полагают, что "выдача" государственной тайны имеет место, когда субъект располагает соответствующими сведениями, получив к ним доступ по службе или работе, либо в силу своего особого правового статуса, например, в качестве судьи или адвоката[7]. Н.А. Ныркова придерживается мнения, что выдачу государственной тайны осуществляет лицо, которое стало обладателем подобной информации не только по службе или по работе, но и любым законным способом[8].

Ю.М. Ткачевский, И.М. Тяжкова убедительно пишут, что представляется, что выдача и передача сведений, составляющих государственную тайну, понятия тождественные. Целесообразность выделения такого вида измены, как выдача государственной тайны, при наличии шпионажа вызывает сомнения. При шпионаже передача сведений не ограничена их предварительным собиранием или похищением[9]. По характеру действий выдача информации, содержащих государственную тайну, ничем не отличается от их передачи при шпионаже.

С точки зрения О.А. Чувакова, включение в уголовное законодательство дополнительной формы государственной измены (выдача государственной тайны) нецелесообразно, ибо она вполне соответствует признакам шпионажа, что уже охватывает такую форму предательства, как передача сведений, составляющих государственную тайну. Он убедительно отмечает, что согласно положений

филологической науки термины "передача" и "выдача" являются разными грамматическими единицами того же слова - "дача", которые различаются между собой приставками "пере" и "вы". В этом случае перестановка таких префиксов, что, вероятно, и позволила расширенно трактовать исследуемые понятия, как правило, не меняет лексического содержания слова, потому что эти префиксы представляют собой синонимичные морфемы (значимые части слова) [10]. Толкование учеными-филологами терминов "выдача" и "передача" как имеющих то же содержание-вручение [11], доказывает утверждение позиции О.А. Чувакова и других ученых о тождественном определении любых процессов такими существительными, где тот же корень видоизменен одинаковыми по смысловому значению префиксами.

Государственная тайна - это информация доступа, которая ограничена государством, и она отражена в материальных объектах, в том числе физических полях, в которых сведения, составляющие государственные тайны, находят свое отображение в виде символов, образов, сигналов, технических решений и процессов. Исходя из этой, доктрины информационного права и теории передачи информации [12] не предпочитают удачным использование термин "выдача" в УК РТ и других стран СНГ. Информацию не выдают, а передают, независимо от того, что она была доступна лицом по службе или работе, исходя из этого, в работе мы используем термин "передача" в место "выдачи". Другим аргументом обоснованность использования термина "передача" в отношении государственной тайны заключатся в ее отражении в нормативных актах различных структур (ведомств). Например, Приказом Начальника Главного управления по вопросам государственных секретов при Правительстве Республики Таджикистан от 5 апреля 2000 года № 24 было утверждено "Положение о подготовке к передаче сведений, составляющих государственную тайну, другим государствам".

Передача государственной тайны состоит из действий как разглашение, переносе ее иностранному государству, иностранной организации или их представителям посредством человека и сигналов различной физической природы (по электрическим, электромагнитным, оптическим и другим каналам), если эти действия совершены гражданином Республики Таджикистан с враждебной целью и в ущерб суверенитету, территориальной неприкосновенности, обороноспособности или внешней безопасности Республики Таджикистан. В общем смысле, передача государственной тайны - это заблаговременно (умышленно) организованное физическое и техническое мероприятие (без признаков предварительного собирания или похищения), результатом которого становится воспроизведение информации, имеющееся в одном месте (так называемый источник информации), в другом месте (приёмник информации).

Передача сведений составляющие государственную тайну в каждом отдельном случае осуществляется по решению Президента Республики Таджикистан при наличии экспертного заключения Главного управления по вопросам государственных секретов при Правительстве Республики Таджикистан (далее ГУВГС) о возможности передачи этих сведений. Таким образом, основная суть ст. 305 УК РТ заключается в нарушении указаний предписаний.

В свое время ст. 305 УК РТ в области передачи (выдачи) государственной тайны имело бланкетный характер и ссылался на положение ст. 31 Закона РТ "О государственных секретах", где установлен порядок передачи сведений, составляющих государственные секреты, иностранным государствам,

международным и межгосударственным организациям. Для принятия решения о передаче конкретных сведений, составляющих государственные секреты, иностранным государствам, международным и межгосударственным организациям (адресатам) государственные органы вносят в уполномоченный государственный орган мотивированное предложение, согласованное с государственными органами, наделенными в соответствии со статьей 19 Закона РТ "О государственных секретах" полномочиями по распоряжению сведениями, составляющими государственные секреты. Уполномоченный государственный орган выносит экспертное заключение о возможности и целесообразности передачи сведений, составляющих государственные секреты, иностранным государствам, международным и межгосударственным организациям. Президент Республики Таджикистан, при наличии экспертного заключения уполномоченного государственного органа, выносит распоряжение о передаче сведений, составляющих государственные секреты Республики Таджикистан, иностранным государствам, международным и межгосударственным организациям. Обязательства принимающей стороны по защите передаваемых ей сведений предусматриваются заключаемым с ней договором.

Нарушение указанной процедуры по передаче государственной тайны адресатам со стороны уполномоченных лиц образует состав ст. 305 УК РТ и квалифицируется как незаконная выдача (передача) государственной тайны.

Таким образом, анализ доктрины уголовного права отраслевых законодательств даёт нам возможность сформулировать понятие передачи государственной тайны. Под передачей другим иностранным государствам, иностранным организациям или их представителям (адресат) - понимается доведение до адресата каким-либо способом (передача, пересылка, ознакомление, осуществление доступа) государственной тайны.

В передаче государственной тайны особый интерес вызывает два вида формы участия виновника. Первый - виновник, на которого по законодательству возложена обязанность по изготовлению, пользованию, сохранности, передаче, транспортировке и учету носителей сведений, составляющих государственные тайны, и к их хранению. Второй - виновник даёт возможность ознакомиться сведениями другому лицу (преступнику) не имеющему частного доступа к государственной тайне, и последний используя служебное положение, передает тайную информацию заказчикам. Как правило, это будет иметь место в оценочных, исследовательских и производственных заказах на предприятиях, в научно-исследовательских институтах и экспериментах. Например, руководитель государственных органов и организаций с целью дальнейшей передачи государственной тайны, преднамеренно (осознано в ущерб суверенитету, территориальной неприкосновенности, обороноспособности или внешней безопасности Республики Таджикистан) даёт допуск гражданину Республики Таджикистан к сведениям, составляющим государственные тайны, он по закону не имел право на это, а последний в дальнейшем передает тайну адресатам.

Таким образом, непосредственная передача (выдача), а также ее опосредованная передача (выдача) должна квалифицироваться по ст. 305 УК РТ как выдача (передача) государственной тайны.

Способы передачи государственной тайны на квалификацию преступления не влияет. Государственная тайна, возможно, передается через материальные носители (карты, копии документов, схемы, флешкарты, компакт-диски), системы

спутниковой связи, сотовой связи, пейджинговой связи, транкинговой связи, системы теле и радиовещания, системы радиодоступа, беспроводные телефонные аппараты, системы автоматизированного сбора информации, управления по радиоканалам, глобальную сеть (интернет), а также устно и по халатности.

Относительно выдачи государственной тайны в ст. 305 УК РТ есть существенный недостаток в отношении адресата. Практика последних событий произошедших в Таджикистане, такие как попытка государственного переворота и измена государства со стороны экс полковника Минобороны РТ Махмуда Худойбердиева, заместителя минобороны РТ генерала А. Назарзоды в совместительстве с ПИВТ во главе М. Кабири, присоединение командира ОМОН РТ Г. Халимова к ИГИЛ, измена государства со стороны Х. Насруллоева (бывшего депутата парламента РТ), К. Ятимова (бывшего депутата парламента РТ), Я. Салимова (бывшего министра МВД РТ) показывает, что их действия были связаны с выдачей государственной тайны гражданам Таджикистана, национальным организациям и политическим партиям, с целью нанесения ущерба суверенитету, территориальной неприкосновенности, обороноспособности или внешней безопасности Республики Таджикистан. Указанные лица в своих криминальных действиях использовали и потом передавали государственную тайну своим сторонникам с целью ее дальнейшего использования против государства.

Исходя из этого, предлагается расширение кругов адресата, и включить в них граждан Таджикистан, национальные политические партии и организации.

Выдача признается окончательным преступлением с того момента, когда сведения, составляющие государственную тайну, оказались во владении иностранного адресата, т.е. иностранного государства, иностранной организации или их представителей, которые проводят враждебную деятельность против Республики Таджикистан.

### Сноски/References/Иқтибослар

1. Сафизода Фаррух. История права в Древнем Иране. - Тегеран: Джангал, 2013. - С. 118. (Safizoda Farrukh. History of Law in Ancient Iran. - Tehran: Djangal, 2013. - P. 118.); Азизов У.А. Эволюция институтов преступления и наказания на территории исторического и современного Таджикистана: историко-правовое исследование. Дис... док. юрид. наук. - Душанбе, 2015. - С. 77. (Azizov U.A. Evolution of the institutions of crime and punishment in the territory of historical and modern Tajikistan: historical and legal research. Diss ... doc. legal science. - Dushanbe, 2015. - P. 77.); Азизкулова Г.С., Хакимов Н. История государства и права Таджикистана. Ч.1. - Душанбе, 2018. - С. 116-118. (Azizkulova G.S., Khakimov N. History of the state and law of Tajikistan. Part 1. - Dushanbe, 2018. - P. 116-118.).

2. Коран. <https://quran-online.ru/8:27>

3. США: Конституция и законодательные акты. Под ред. О.А. Жидкова. - М.: "Прогресс", 1993. - С. 38. (USA: Constitution and laws. Ed. O.A. Zhidkova. - M.: "Progress", 1993. - P. 38.)

4. Treason: The Facts, The Guardian, 17 October 2014 // [Электронный ресурс]. - URL: [https://en.wikipedia.org/wiki/High\\_treason\\_in\\_the\\_United\\_Kingdom](https://en.wikipedia.org/wiki/High_treason_in_the_United_Kingdom) (дата обращения 28.08. 2019).

5. Ожегов С.И. Словарь русского языка. 12-е издание, стереотипное. - М.: Издательство "Русский язык", 1878. - С. 459-460. (Ozhegov S.I. Dictionary of the



Russian language. 12th edition, stereotyped. - М.: Publishing house "Russian language", 1878. - P. 459-460.); Словарь русского языка в четырех томах. Издание второе, исправленное и дополненное. Том III. - М.: Издательство "Русский язык", 1984. - С. 58. (Dictionary of the Russian language in four volumes. Second edition, revised and supplemented. Volume III - М.: Publishing house "Russian language", 1984. - P. 58.); Рябчук В.Н. Государственная измена и шпионаж. Уголовно-правовое и криминологическое исследование. Юридический центр Пресс; - Санкт-Петербург, 2007. - С. 402 (Ryabchuk V.N. High treason and espionage. Criminal law and criminological research. Legal Center Press; - St. Petersburg, 2007. - P. 402.)

6. Дьяков С.В. Преступления против основ конституционного строя и безопасности государства: уголовно-правовое и криминологическое исследование. 2-е изд. - СПб.: Издательство "Юридический центр-Пресс", 2012. - С. 38 (Dyakov S.V. Crimes against the foundations of the constitutional order and state security: criminal law and criminological research. 2nd ed. - St. Petersburg: Publishing House "Legal Center-Press", 2012. - P. 38)

7. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под редакцией А.В. Наумова. - М.: Юристъ, 1996. - С. 671. (Commentary on the Criminal Code of the Russian Federation / Edited by A.V. Naumova. - М.: Yurist, 1996. -P. 671.); Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под редакцией В. И. Радченко. - М.: Вердикт, 1996. - С. 492. (Commentary on the Criminal Code of the Russian Federation / Edited by V. I. Radchenko. - М.: Verdict, 1996. - P. 492.)

8. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под редакцией А. И. Бойко. - Ростов на Дону. Феникс, 1996. - С. 532. (Commentary on the Criminal Code of the Russian Federation / Edited by A.I. Boyko. - Rostov on the Don. Phoenix, 1996. - P. 532.)

9. Курс уголовного права. Том 5. Особенная часть - под ред. Г.Н. Борзенкова, В.С. Комиссарова. - М.: ИКД "Зерцало-М", 2002. - С. 12-13. (The course of criminal law. Volume 5. A Special Part - Ed. G.N. Borzenkova, V.S. Komissarova. - М.: ICD "Mirror-M", 2002. - P. 12-13.)

10. Чуваков О.А. Уголовно-правовое противодействие преступлениям против основ национальной безопасности Украины: теория и практика. Дисс. док. юрид. наук. - Одесса, 2017. - С. 246 (Chuvakov O.A. Criminal legal opposition to crimes against the foundations of national security of Ukraine: theory and practice. Diss. doc legal sciences. - Odessa, 2017. - P. 246.)

11. Даль В.И. Толковый словарь русского языка. Современная версия. - М.: ЭКСМО-Пресс, 2002. - С. 203; Ожегов С.И. Словарь русского языка / под ред. Н. Ю. Шведовой. 15-е изд. - М.: Рус. яз., 1984. - С. 232. (Dal V. I. Explanatory dictionary of the Russian language. The modern version. - М.: EKSMO-Press, 2002. - S. 203; Ozhegov S.I. Dictionary of the Russian language / ed. N. Yu. Shvedova. 15th ed. - М.: Rus. lang., 1984. - S. 232.)

12. Игнатов В.А. Теория информации и передачи сигналов: Учебник для вузов. - М.: Сов. радио, 1979. - 280 с. (Ignatov V.A. Theory of information and signal transmission: Textbook for universities. - М.: Owls. radio, 1979.- 280 p.); Шувалов В.П. и др. Передача дискретных сообщений: Учебник для вузов. - М.: Радио и связь, 1990. - 464 с. (Shuvalov V.P. et al. Discrete Message Transmission: A Textbook for High Schools. - М.: Radio and communications, 1990. - 464 p.); Сорока Н.И., Кривинченко Г.А. Теория передачи информации. Учебное пособие. - Минск, 2005. - 126 с. (Soroka N.I., Krivinchenko G.A. Theory of information transfer. Tutorial. - Minsk, 2005.

- 126 p.); Литвинская О.С., Чернышев Н.И. Основы теории передачи информации: учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2010. - 168 с. и др. (Litvinskaya O.S., Chernyshev N.I. Fundamentals of the theory of information transfer: a training manual. - M.: KNORUS, 2010. -168 p. and etc.).

---

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

---

12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.  
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

---

Абдусаттаров Акмал Мирзаакбарович,  
Тошкент давлат юридик университети  
"Бизнес ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: Akmaldo\_87@mail.ru

## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЎРНИ

---

*For citation: Nekruz Abdunabievich Kudratov. CRIMINAL AND LEGAL CHARACTERISTICS OF THE ISSUE OF STATE SECRET IN THE COMPOSITION OF CHANGE OF THE STATE. Journal of Law Research. 2020, 1 vol., issue 5, pp. 91-97*

---



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-1-12>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ваколатларини амалга оширишда ижтимоий шериклик масаласи атрофлича таҳлил қилинган. Мақолада, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлар ўртасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш билан боғлиқ таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ваколатлар, ижтимоий шериклик, фуқаролик жамияти институтлари, номарказлаштириш

---

Абдусаттаров Акмал Мирзаакбарович,  
Преподаватель кафедры "Бизнес право"  
Ташкентского государственного  
юридического университета  
E-mail: Akmaldo\_87@mail.ru

## РОЛЬ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА В РЕАЛИЗАЦИИ ПОЛНОМОЧИЙ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ В СФЕРЕ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье изучены вопросы социального партнерства в реализации полномочий органов государственной власти на местах в сфере охраны окружающей среды. В статье, также разработаны предложения по дальнейшему развитию механизмов социального партнерства между органами государственной власти на местах и институтами гражданского общества в сфере охраны окружающей среды.

**Ключевые слова:** органы государственной власти на местах, охрана окружающей среды, полномочия, социальное партнерство, институты гражданского общества, децентрализация

**Abdusattarov Akmal Mirzaakbarovich,**  
Teacher of "Business Law" Department  
of the Tashkent State University of Law  
E-mail: Akmaldo\_87@mail.ru

## THE ROLE OF SOCIAL PARTNERSHIP IN REALIZING THE POWERS OF LOCAL STATE BODIES IN THE FIELD OF ENVIRONMENTAL PROTECTION

### ANNOTATION

The article examines the issues of social partnership in the implementation of the powers of local authorities in the field of environmental protection. The article also developed proposals for the further development of mechanisms of social partnership between local government bodies and civil society institutions in the field of environmental protection

**Keywords:** local state bodies, environmental protection, authority, social partnerships, civil society institutions, decentralization

**М**аҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилишда фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик билан ижтимоий шерикликни таъминлаш фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, экология соҳасидаги бошқарув комплекс хусусиятга эга бўлиб, бошқарувнинг турли усул ва воситаларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда қўллашгина унинг самарали бўлишини ҳамда барқарор ривожланишга ўтишни таъминлайди. Шу мақсадда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришда жамоатчилик иштироки муҳим иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва экологик аҳамиятга эга. Жамоатчиликни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятига жалб этиш - давлат экологик сиёсатини амалга оширишнинг муҳим йўлларида бири [1].

Бу борада 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг

ЎРҚ-376-сонли "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуни юртимизда бу борада олиб борилаётган демократик ислохотларни янги поғонага кўтаришда, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим қадам бўлди.

Умуман олганда, экология соҳасида ижтимоий шериклик - бу атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича келишув жарёни бўлиб, унда умумий ижтимоий-экологик мақсадларга эришишда тарафлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаб турувчи институтлар, механизмлар ва жараёнлар тизими тушунилади[2].

Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида ижтимоий шерикликнинг 9 та асосий соҳалари белгилаб берилган бўлиб, унинг учинчи йўналиши бевосита атроф-муҳитни, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга бағишланган. Атроф муҳит масалаларининг ижтимоий шерикликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қонун даражасида белгиланишига ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустақкамлашга хизмат қилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларида ижтимоий шериклик муносабатларининг ифодаланишини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги қонун ҳужжатларида ушбу йўналишда ягона ёндашув шаклланмаган[3]. Масалан, айрим қонун ҳужжатларида ижтимоий шериклик субъектлари - нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари умуман кўзда тутилмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги "Ўрмон тўғрисида"ги Қонунда, 2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ер ости бойликлари соҳасидаги ҳуқуқ ва ваколатлари ҳамда ижтимоий шериклик асослари ўз ифодасини топмаган.

Умуман олганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигини самарали таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги ва "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг экология соҳасидаги ҳуқуқ ва ваколатлари ҳамда уларнинг ушбу органлар билан ўзаро ҳамкорлигига оид қоидаларни жорий этиш ҳамда мавжудларини янада такомиллаштириш зарур.

Давлат ижтимоий шериклик субъекти сифатида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини аниқ белгилаш мақсадида конституциявий нормаларга таянган ҳолда алоҳида қонунлар қабул қилади. Жумладан, 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Унда жамоат бирлашмалари "ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келадиган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмаси" сифатида таърифланди (1-модда). Таъкидлаш лозимки, ушбу Қонуннинг жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларига оид 15-моддасида уларнинг жамоат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлари ўз аксини топмаган.

Умуман олганда, Қонун 1991 йилда қабул қилинганлигини ҳамда ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ривожланиш талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни янги таҳрирда қабул қилиш, шу жумладан, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини кенгайтириб баён этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни[4] қабул қилиниши мазкур тоифа жамоат бирлашмаларининг фаолияти кенг асосга таяниши ва ривожланиши учун йўл очиб берди. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунда ҳам, 2007 йил 3 январдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда[5] ҳам юқоридаги сингари ушбу ташкилотларнинг жамоат назоратини амалга оширишга оид ваколатлари тўғрисида сўз бормайди. Ваҳоланки, ушбу ташкилотларнинг жамоат назоратига оид ваколатлари соҳавий қонунларда мустаҳкамланиб борилмоқда. Энг муҳими, ушбу институт 2014 йил апрелда Конституциянинг бир қатор моддалари, шу жумладан, 32-моддасига киритилган ўзгартиришлар натижасида конституциявий мақомга эга бўлди. Шуларни ҳисобга олиб, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда уларнинг жамоат назоратига оид ваколатларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Экология соҳасида жамоат бирлашмалари деганда, фуқароларнинг оммавий уюшмаси тушунилиб, у уларнинг шахсий ташаббуси билан узоқ муддатларни мақсадларни реализация қилиш мақсадида ташкил этилади ҳамда ўзининг аниқ тузилмаси ва уставига эга бўлади. Бундан ташқари, ушбу ташкилотларни улар аъзоларининг ижтимоий онги даражаси юқорилиги, ўз манфаатларини амалга ошириш бўйича ишлаш мақсади ва воситаларини яққол тасаввур этиш каби хусусиятлар тавсифлайди[6].

Шу ўринда "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (15-модда) ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (16-модда) жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларини таққослаб кўриш ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, ушбу тузилмалар ваколатларини таққослашда иккита ваколатни амалга ошириш бўйича уларнинг ҳуқуқлари ҳажми бир-биридан фарқланашини кўришимиз мумкин. Биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлар атроф-муҳит ҳолатини ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига ҳамда табиий ресурслардан ноқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб боришда иштирок этса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шундай кузатиб боришни амалга оширади; Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитишда иштирок этса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шундай ҳисоботларини эшитади ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилади. Таъкидлаш лозимки, иккинчи ваколатга нисбатан нодавлат нотижорат ташкилотларнинг кўмалашувчи ролини белгилаш тўғри, чунки бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг махсус ваколати бўлиб, уни нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳам бериш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини издан чиқариши мумкин.

Бироқ, атроф-муҳит ҳолатини ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига ҳамда табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб бориш масаласига келадиган бўлсак, нодавлат нотижорат ташкилотлар унда иштирок этади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, уни бевосита амалга оширади. Ваколатларнинг бундай тақсимланиши нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамоат экологик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатини асосиз равишда чеклайди, шунингдек уларнинг бошқа экологик қонун ҳужжатларида кафолатланган жамоат экологик назоратини амалга оширишга оид ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилади. Шу боис "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуннинг нодавлат нотижорат ташкилотларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид 16-моддаси биринчи қисми 3-бандини "атроф-муҳит ҳолатини ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига ҳамда табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиб боришни амалга оширади", деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кенг жамоатчилик билан ўзаро муносабатларини янада такомиллаштириш, аҳоли ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида тўғридан тўғри ва манзилли мулоқотни таъминлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуси институтини жорий этиш лозим. Яъни муайян бир масала, шу жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология оид масала бўйича маълум миқдорда (масалан, 1000 та) овоз тўплаган масала албатта, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамда тегишли туман, шаҳар ҳокимияти томонидан кўриб чиқиши шартлигини аниқ белгилаб қўйиш лозим. Бу халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган амалиёт бўлиб, ўз навбатида фуқароларни ташвишга солаётган, ҳаётини муҳим муаммолари, шу жумладан, экологик муаммолари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тезкор муносабат билдиришини таъминлайди.

Шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ҳамда "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жамоат экологик назорати натижаларини кўриб чиқиш тартибини белгилаб қўйиш лозим. Хусусан, жамоат экологик назорати натижалари тегишли тартибда расмийлаштирилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жамоат экологик назорати натижаларини кўриб чиқишлари шарт бўлиб, унинг натижалари бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйган шахсни жавобгарликка тортиш ёхуд фаолиятни тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга мурожаат этиш ёинки бошқача таъсир чорасини қўллашга ҳақли.

Қолаверса, амалдаги қонун ҳужжатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси бўйича жамоат экологик назоратини ўтказиш механизминини ишлаб чиқиш ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда мустаҳкамлаш лозим. Чунки хорижий давлатларда кенг қўлланиладиган ушбу институт жамоатчиликнинг муайян лойиҳа ёки қарор бўйича муносабатини билиш имконини

беради.

Ушбу соҳадаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган яна бир масала бу - ҳудудий экологик дастурларнинг тегишли маъмурий-ҳудудий бирликда истиқомат қилувчи аҳоли томонидан муҳокама қилишнинг мажбурий механизмини жорий этишдир. Шу мақсадда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга тегишли моддани киритиш лозим.

Шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф-муҳит ҳолатига таъсир кўрсатувчи, шу жумладан, табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-муҳит ҳолатига таъсир кўрсатувчи объектларни жойлаштириш ва қуриш билан боғлиқ қарорлар лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилишини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунда жамоатчилик ва экспертлар муҳокамаси натижасида тақдим этилган таклиф, тавсия ва эътирозлар асосида лойиҳа қайта ишланади ҳамда такомиллаштирилади ҳамда қабул қилинади. Ушбу механизм ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилишда нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик билан ижтимоий шерикликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарорининг[7] қабул қилиниши ҳам муҳим таъсир кўрсатди. Хусусан, ушбу қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Жамоатчилик кенгаши биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган "кўприк" ролини бажаради.

Шунингдек хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим давлатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли маъмурий-ҳудудий бирликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб жамоат назоратининг алоҳида шакллари қўлламоқдалар. Масалан, Россия Федерациясининг айрим субъектларида ов соҳасида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари институти фаолият кўрсатади. Уларнинг зиммасига тегишли ов ҳудудларида ҳайвонот дунёси объектларини ва уларнинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш юкланган[8].

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ижтимоий шериклик институти шаклланиш ва ривожланиш босқичида бўлиб, ушбу институтни атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги имкониятларидан унумли фойдаланилса ҳудудларда экологик муаммоларнинг олдини олиш ва ҳал этишда самарали натижаларга эришиш мумкин бўлади.

## Иқтбослар/Сноски/References

1. Гетьман А.П. Организационно-правовой механизм охраны окружающей природной среды // Проблемы законности. - Харьков, 2014. - №125. - С.152-162. (Getman A.P. The legal mechanism of environmental protection // Problems of legality. - Kharkov, 2014. - № 125. - pp.152-162.)



2. Саъдуллаев Д.С. Экология соҳасида ижтимоий шерикликнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари // Конституциявий ислоҳотлар - давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг муҳим омили: илмий-амалий давра суҳбати материаллари. - Тошкент: ТДЮУ, 2016. - Б.116-121. (Sadullaev DS Constitutional and legal bases of social partnership in ecology // Constitutional reforms - an important factor of the state's prosperity: the materials of scientific and practical period. - Tashkent: TSUL, 2016. - pp.116-121.)

3. Садуллаев Д. С. Ижтимоий шерикликни таъминлаш шароитида нодавлат ноижорат ташкилотларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги ўрни ва ўрни // халқаро ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳуқуқшунослик тадқиқотлари журнали. -2017. - 5-сон.- Б.22-37.Sadullaev D.S. The role and place of non-governmental non-profit organizations in environmentprotection in the context of ensuring of effective social partnership // International Journal of law and legal jurisprudence studies.-2017.- № 5.- P.22-37.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 763-И-сонли "Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни // "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси" 1999 й., №5, 115-модда. Law of the Republic of Uzbekistan dtd 14.04.1999 No. 763-I "Law on non-profit organizations" // // The Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan 1999, № 5, Art.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январдаги ЎРҚ-76-сонли "Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" (Law of the Republic of Uzbekistan № -76 "On January 3, 2007" Law of the Republic of Uzbekistan "On the Form of Laws of the Republic of Uzbekistan").

6. Будақ С.Д. Конституционно-правовой статус общественных экологических объединений в России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Саратов, 2004. - С. 18. (Budak S.D. Constitutional and legal status of public environmental associations in Russia: Author. diss. ... cand. legal sciences. - Saratov, 2004. --- p. 18.)

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for the organization of activities of public councils under state bodies" on July 4 0218 № 3837)

8. Харьков В.Н. Правовое обеспечение общественного участия вуправлении природопользованием и охранойокружающей среды: региональный аспект// Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки. - 2015. - №2-2. - С. 111. (С.103-114.) (Kharkov V.N. Legal support of public participation in environmental management and environmental protection: aregional aspect // Bulletin of Tula State University. Economic and legal sciences. - 2015. - № 2-2. - p. 111. (pp.103-114)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

---

## ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

---

## JOURNAL OF LAW RESEARCH

**01 (2020)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000